

MAHORAT VA KO'NIKMA SINOVI



Nukus shahrining Otchopar maydonida garnizonda joylashgan harbiy qismlarning transport vositalari haydovchilari lavozimidagi muddatli harbiy xizmatchilar ishtirokida majmuaviy taktik mashg'ulot o'tkazildi.

7-sahifa▶▶

● Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan ● 2022-yil 1-iyul, №26 (2985)

XALQ VA ARMIYA – BIR TAN-U BIR JON!

VATANPARVAR

www.mv-vatanparvar.uz IJTIMOY-SIYOSIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY VA MA'RIYATLIK GAZETASI



BITIRUV – 2022

25 QALDIRG' OCH UCHIRMA BO'LDI



Mudofaa vazirligining barcha oliy harbiy ta'lim muassasalarida bo'lgani kabi O'zbekiston Respublikasi oliy harbiy aviatsiya bilim yurtida ham yosh leytenantlarning tantanali bitiruv marosimi o'tkazildi.

4-sahifa▶▶



YANGI O'ZBEKISTON STRATEGIYASIDA IJTIMOY VA MA'NAVIY-MA'RIFIY TARAKKIYOT MASALALARI

8-sahifa▶▶

INNOVATSION G'OYALAR VA ISHLANMALAR



11-sahifa▶▶

MVSM VAKILLARI ASOSIY QAHRAMON

18-sahifa▶▶

@ vatanparvar-bt@uamail.uz

t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaavazirligi

facebook.com/mudofaavazirligi

instagram.com/mudofaavazirligi

youtube.com/c/uzarmiya

Tahririyat haqida ma'lumot



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ЁШЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗНИНГ ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ЁШ АВЛОД ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ Тўғрисида

Мамлакатимизда ёш авлодни қўллаб-қувватлаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш мақсадида ўзининг юксак азму шижоати, билим ва салоҳияти, истеъдод ва қобилиятини намоеън этиб, турли соҳаларда эришган ютуқлари билан Янги Ўзбекистон тараққиётига, унинг шон-шухратини жаҳон миқёсида янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган, эл-юртимизга меҳри ва садоқати, намунали хулқи ва одоби ҳамда ватанпарварлик фазилатлари билан тенгдошларига ҳар томонлама ўрналиқ келаётган қуйидаги ташаббускор ва етакчи ёшларимиз «Келажак бунёдкори» медали билан мукофотлансин:

Матмуратов Гуломжон Гафурович – Хўжайли туманидаги «Гафур-Гулом чорва» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

Отешова Гулайим Бегим кизи – Қорақалпоқ давлат университетининг 2-босқич талабаси, Қорақалпоғистон Республикаси

Одилжонов Сарвиноз Азизбек кизи – Андижон давлат университетининг 2-босқич талабаси, Андижон вилояти

Ортиқхожиев Оматиллохон Хусниддин ўғли – Асака туманидаги «Замон миришкорлари» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Атоева Вазирабону Алишеровна – «Хунарманд» уюшмасининг Бухоро вилояти бўлими аъзоси, каштадўз

Хамдамова Шамшоода Саидахмат кизи – Бухоро шаҳридаги 24-кўриш бўйича имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси тарғиботчиси,

Бухоро вилояти Турақулов Сардоржон Ёркин ўғли – Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах филиали кардиожарроҳи, Жиззах вилояти

Эргашева Дилчеҳра Уролбой кизи – Пахтакор туманидаги «Silverleaf» қўшма корхонаси «John Deere» комбайни оператори, Жиззах вилояти

Қаҳорова Забаржод Абдурасул кизи – Республика «Қизлар овози» клубининг Миришкор тумани бўлими раҳбари, Қашқадарё вилояти

Турсунов Адҳам Асомиддин ўғли – «Uzbekistan GTL» масъулияти чекланган жамиятининг марказий лабораторияси смена муҳандиси, Қашқадарё вилояти

Қувондиқов Улуғбек Ғайрат ўғли – «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Гидрометаллургия заводи цианлаш ва сорбция цехи бошлиғи, Навоий вилояти

Шарипова Маҳлиё Эсан кизи – «Навоийазот» акциядорлик жамиятининг Поливинилхлорид ишлаб чиқариш, каустик сода ва метанол мажмуаси цех смена муҳандиси, Навоий вилояти

Исақова Моҳидил Хусанбой кизи – Уйчи туманидаги «Asmus Gold Mega Textile» ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари, Наманган вилояти

Рахимжанов Достонбек Улуғбек ўғли – Наманган шаҳридаги «Innovation Language Centre» нодавлат таълим муассасаси раҳбари, Наманган вилояти

Омонова Нилуфар Жўрабек кизи – Самарқанд шаҳридаги «MIT IT academy» масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти

Темуров Анвар Ибодулло ўғли – Ургут туманидаги «Sam-Negin» масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти

Анваров Ойбек Тўлқинжонович – «Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технопарки дирекцияси – IT Park» масъулияти чекланган жамиятининг Сирдарё вилояти филиали бошлиғи

Бўронова Дилсора Шарифжон кизи – Ховос туманидаги «Textile Fashion» масъулияти чекланган жамиятининг тикув цехи устаси, Сирдарё вилояти

Собирова Назокат Рашид кизи – «Хунарманд» уюшмасининг Бойсун тумани бўлими аъзоси, гиламдўз, Сурхондарё вилояти

Хушбоқ Улуғбек Баҳром ўғли – Қизириқ туманидаги «Жануб тонги диёри» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Махсимова Рисолат Қосимжон кизи – Паркент туманидаги 5-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси, Тошкент вилояти

Турсунбоева Зухра Ботир кизи – Бўстонлиқ туманидаги 17-болалар мусиқа ва санъат мактабининг академик хонандалик бўйича ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Адхамбекова Шабнам Ёвсинзода – Сўх туманидаги «Happy kids academy» нодавлат мактабгача таълим муассасаси раҳбари, Фарғона вилояти

Убайдуллаева Зарнигор Ҳасанбой кизи – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Фарғона вилояти бошқармаси ахборот ва медиа хизмати бўйича мутахассиси

Аллаберганова Шаҳноза Аллаберган кизи – Урганч давлат университетининг 2-босқич талабаси, Хоразм вилояти

Маткаримов Раҳматжон Жуманазарович – Ҳазорасп туманидаги «Нур Муҳаммад Ислон обод» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

Рузмухамедова Ходжия Шокир кизи – Олмазор туманидаги 102-заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг эшитиш гидроки фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Умурзаков Ислон Илхом ўғли – Тошкент шаҳридаги «Ёш мақомчилар» ансамбли бадий раҳбари

Абдиқаримов Канат Алимжанович – Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг PR-маркази етакчи мутахассиси

Авазова Севинч Пулат кизи – Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 4-босқич талабаси

Амиров Элмурод Мансуриддин ўғли – Геология фанлари университетининг Геология ва геофизика институти минералогия лабораторияси бошлиғи

Бўтахонов Зиёдулла Зойиржон ўғли – Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги мутахассиси

Ғуломов Аҳмаджон Шавкат ўғли – «Uzbekistan airways» акциядорлик жамиятининг Учувчилар хизмати департаменти А-320 ҳаво кемаси командири

Дадабоев Дилшод Абдуҷалил ўғли – Ижтимоий тармоқлардаги «Uzbekistan official» саҳифалари администратори, блогер

Евстафеев Евгений Александрович – И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали 4-босқич талабаси

Жалолиддинов Жасурбек Жамшид ўғли – Футбол бўйича Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси (U-23) сардори

Иминохунов Нурулдин Абдуқоҳоревич – «EPAM Systems» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси маҳсулотлар менежери

Нематзода Фирдавс Нематович – Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг Ёшлар академияси фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи

Норчаев Хусаин Тўрақул ўғли – Футбол бўйича Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси (U-23) аъзоси

Рузиев Бекзод Дилмуродович – «Боштранслоиҳа» акциядорлик жамиятининг меъмор-қурилиш бўлими лойиҳалар бош муҳандиси

Сафаров Акмал Умар ўғли – Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг ёш ижодкорлар билан ишлаш шуъбаси бош мутахассиси

Турғунбоев Шахзод Нодир ўғли – Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг Жанубий Кореядаги вакили

Хасанова Ёқутхон Баходиржон кизи – М. Турғунбоева номидаги «Баҳор» давлат рақс ансамбли раққосаси

Ходжаева Шахло Муродовна – Америка Қўшма Штатларининг «Amazon» компанияси бизнес таҳлил бўйича муҳандиси

Эркинов Ҳожимат Ботир ўғли – Футбол бўйича Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси (U-23) аъзоси

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 29 июнь

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

«МАРД ЎҒЛОН» ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ Тўғрисида

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда фаоллик кўрсатиб, ўзининг билим ва иқтидори, интилувчанлиги ва ташаббускорлиги, ҳалол ва самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва унинг халқаро нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга, халқ манфаати ва юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фидойи ва мард ўғлонларимизни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли йигит-

ларини фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

2. «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланганларга совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари тантанали вазиятда топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Мард ўғлон» давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий комму-

никациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига «Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳибларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 28 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 июндаги ПҚ-297-сон қарорига илова

«Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

Калбаев Арисланбек Базарбаевич – Нукус шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси (Қорақалпоғистон Республикаси)

Мамутов Шерзод Азаматович – Қорақалпоқ давлат университетининг 2-босқич талабаси (Қорақалпоғистон Республикаси)

Абдурахмонов Акмалжон Юнусбек ўғли – Андижон шаҳридаги Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактабининг 10-синф ўқувчиси (Андижон вилояти)

Муҳаммаджонов Хожиакбар Зафаржон ўғли – Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг 1-босқич магистранти (Андижон вилояти)

Қўшаев Шариф Эргашевич – Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармасининг тезкор вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ катта мутахассиси (Бухоро вилояти)

Ражаббоев Лазизбек Зафаржонович – Қорақўл туманидаги Халқаро математика мактабининг 11-синф ўқувчиси (Бухоро вилояти)

Раҳматов Муроджон Абдусамат ўғли – Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг 3-босқич талабаси (Жиззах вилояти)

Рашидов Учқун Рўзимурод ўғли – Жиззах шаҳридаги «Eagle Consulting Invest» масъулияти чекланган жамияти директори (Жиззах вилояти)

Қобилов Журабек Мусурмон ўғли – Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлими кўтқарувчиси (Қашқадарё вилояти)

Раҳматов Анвар Раҳмат ўғли – Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг 4-босқич талабаси (Қашқадарё вилояти)

Бабаев Мирдоджон Шарофжон ўғли – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Навоий бўлими таянч докторанти (Навоий вилояти)

Қурбанов Ойбек Муҳаммадқулович – Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университетининг кончилик факультети ўқитувчиси (Навоий вилояти)

Мамадалиев Комрон Улуғбек ўғли – Ўзбекистон давлат консерваториясининг 4-босқич талабаси (Наманган вилояти)

Мирзаумидов Асилбек Шухратжонович – Наманган муҳандислик-технология институтининг технологик машина ва жиҳозлар кафедраси катта ўқитувчиси (Наманган вилояти)

Нурмаматов Аслиддин Фазлиддинович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм гуруҳ командири ўринбосари (Самарқанд вилояти)

Самадов Азиз Илхомович – Самарқанд шаҳридаги «Secure Trucks» масъулияти чекланган жамияти раҳбари (Самарқанд вилояти)

Мусирмонов Турсунмурод Баҳодир ўғли – Камалиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг 4-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

Хайитбоев Ёрқинжон Ўрмонали ўғли – Гулистон давлат университетининг 2-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

Абдурахмонов Абдумалик Абдуманом ўғли – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси (Сурхондарё вилояти)

Тожиев Дилмурод Баҳодир ўғли – Тошкент давлат аграр университетининг 2-босқич магистранти (Сурхондарё вилояти)

Абдураимов Елнур Нурғалиевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳарбий хизматчиси (Тошкент вилояти)

Турдиев Алишер Ғулом ўғли – Нурафшон шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг академик эшак эшиш бўйича мураббийси (Тошкент вилояти)

Исмоилов Улуғбек Илхомжон ўғли – Тошкент тиббиёт академиясининг 1-босқич магистранти (Фарғона вилояти)

Қаюмов Муҳаммадлазиз Иброҳимжон ўғли – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси (Фарғона вилояти)

Абдиқаримов Фахриддин Баҳром ўғли – Хоразм Маъмур академиясининг таянч докторанти (Хоразм вилояти)

Сабиров Шаҳзод Қудрат ўғли – Урганч шаҳридаги «Data Union» масъулияти чекланган жамияти директори (Хоразм вилояти)

Жамолов Азимжон Равшан ўғли – Тошкент шаҳридаги Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси (Тошкент шаҳри)

Стеценко Никита Андреевич – Ўзбекистон давлат консерваториясининг 4-босқич талабаси (Тошкент шаҳри)

(ЎЗА)

"Men g'olib!"



МЕРГАНЛАРИМИЗ ШОҲСУПАДА

Туркиянинг Эгрідир шаҳридаги «Командо» ўқув маркази базасида етакчи давлатларнинг ҳарбий хизматчилари ўртасида «Энг илғор мерганлар жамоаси» номли халқаро мусобақа ўтказилди.

Унда Германия, Баҳрайн, Қатар, Озарбайжон каби дунёнинг 12 давлатидан жами 33 та жамоа, Туркиянинг ўзидан эса Денгиз махсус кучлари, Қуруқликдаги махсус кучлари, Махсус операциялар кучлари каби алоҳида қўшин турларидан жами 15 та жамоа иштирок этди.

Кундузги ва тунги машғулотларни ўз ичига олган мусобақа беллашувлари ўн кун давомида ўтказилди. Ушбу халқаро мусобақанинг бошқа мерганлик беллашувларидан фарқи шундаки, унда вертолёт ва қайиқда ҳам ҳаракат вақтида отиш машқлари бажарилди.

Шунингдек, мусобақанинг ҳеч бир босқичида лазерли масофа ўлчагичлардан фойдаланишга рухсат берилмади, мерганлар 1 000 метр ва ундан ортиқ масофада бўлган нишонни оптик мосламалар ёрдамида аниқлаб, белгиланган вақт орасида уни яқсон қилди.

Бундан ташқари, мусобақа иштирокчилари тунги вақтда магнит ази-мути бўйича тоғли ҳудудда 6 соат давомида ҳаракатланиб, ноаниқ масофадаги нишонни яқсон этди.

Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги жамоаси вакиллари учун мусобақа ўтказилган ҳудуд бутунлай нотаниш,

нишонлар ва машқлар ҳақида тўлиқ маълумотлар бўлмаса-да, ҳарбий хизматчиларимиз барча шартларни муваффақиятли бажариб, 12 та давлат жамоалари орасида фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди. Биринчи ўрин мезбон давлат вакилларига насиб этди.

Ўзбекистонлик ҳарбий хизматчиларининг касбий тайёргарлиги ва маҳорати турк ҳакамлари, иштирокчи давлат вакиллари томонидан юқори баҳоланди.

**Мудофаа вазирлиги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар
департаменти**

Bitiruv – 2022

КУРСАНТЛИКДАН —

Мамлакатимиздаги нуфузли ва таянч олий ҳарбий таълим муассасаларидан бири саналган Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида ўтказилган битирув тадбирида мазкур таълим даргоҳи битирувчилари сафларга кузатилди.



Ушбу тантанали маросимда мудофаа вазири генерал-лейтенант Баҳодир Қурбонов ёш офицерларни самимий қутлаб, уларга таълим-тарбия берган устоз-мураббийлар ва ота-оналарнинг меҳнатини эътироф этди. Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам битирувчиларга ўзларининг самимий тилаklarини билдирдилар.

Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти битирувчиларига диплом ва кўкрак нишонларни мудофаа вазири генерал-лейтенант Баҳодир Қурбонов,

мудофаа вазирининг ўринбосари полковник Ҳамдам Қаршиев, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони, Сенат аъзоси Содикжон Турдиев, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири ўринбосари Баҳодир Умрзоқов, Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов ҳамда қатор давлат ва жамоат ташкилотларидан келган меҳмонлар биргаликда тантанали топширдилар.

Ўғлонларга янги-янги довлонларни забт этишларида толмас куч-қувват тилашди. Шунингдек, ота-оналар, ёзувчи ва шоирлар ҳамда Қуролли Кучлар фахрийлари битирувчиларни қутлаб, уларнинг келгуси хизмат фаолиятларида ва шахсий ҳаётларида улкан муваффақиятлар йўлдош бўлсин, дея табриклади.

Ёш лейтенантлар ҳам зиммаларидаги улкан масъулиятни ҳис

қилган ҳолда билдирилган юсак ишончга муносиб хизмат қилишга ваъда бердилар. Яратилган шарт-шароитлар, берилган билим, тажриба ва кўникмалар учун ўз миннатдорлигини изҳор қилдилар. Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари ва таълиқ санъаткорларнинг чиқишлари байрамонга тадбирга кўтаринки руҳ бағишлади.

ЛЕЙТЕНАНТЛИККА

25

ҚАЛДИРҒОЧ

Мудофаа вазирлигининг барча олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлгани каби Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий авиация билим юртида ҳам ёш лейтенантларнинг тантанали битирув маросими ўтказилди. Бу йилги тантана билим юрти шонли тарихида 25-битирув сифатида ўрин эгаллади.



Тадбирда мудофаа вазирининг ўринбосари – Ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари кўмондони генерал-майор Аҳмад Бурҳонов ва Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ кўшинлари кўмондони генерал-майор Зайнобиддин Иминов, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этиб, битирувчиларнинг келгусида-

УЧИРМА БЎЛДИ

ги фаолиятларига омад ва зафарлар тилади.

– Бугунги битирувчилар 5 йил мобайнида билим юртида замона-

вий билимларни эгаллаб, Қуролли Кучларимизнинг Ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари таркибига муносиб учувчи

ва муҳандис сифатида тайёрланди, – дейди билим юрти бошлиғи полковник Абдулла Ҳамроев. – Интеллектуал салоҳияти юқори, замонавий ва стратегик фикрлайдиган, хорижий тилларни пухта ўзлаштирган битирувчиларимиз кўшинларда сидқидилдан хизмат қилиб, профессор-ўқитувчиларининг ишончини оқлашига ишонамиз.

Unutilmas kun

ХАЁТНИНГ КАТТА МАСЪУЛИЯТЛИ ҚАДАМЛАРИ



Мамлакатимиздаги энг нуфузли ва таянч олий ҳарбий таълим муассаса саналган Қуролли Кучлар академиясида ўтказилган битирув тадбирида мазкур олий ҳарбий таълим даргоҳининг ва Ҳарбий тиббиёт академияси битирувчилари Қуролли Кучлар сафларига кузатилди.



Ушбу тантанали маросимда мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Бош штаб бошлиғи генерал-майор Шухрат Халмухамедов сўзга чиқиб, ёш офицерларни самимий қутлар экан, уларга таълим-тарбия берган устоз-мураббийлар ва ота-оналарнинг меҳнатини эътироф этди. Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам битирувчиларга ўзларининг самимий тилаklarини билдирдилар.

Шунингдек, ота-оналар, ёзувчи-шоирлар ҳамда Қуролли Кучлар

фахрийлари битирувчиларни қутлаб, уларнинг келгуси хизмат фаолиятларида ва шахсий ҳаётларида улкан муваффақиятлар тилади.

Ёш лейтенантлар ҳам зиммаларидаги улкан масъулиятни ҳис қилган ҳолда билдирилган юксак ишончга муносиб фаолият юритишга ваъда бердилар. Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари ва таниқли санъаткорларнинг чиқишлари байрамона тадбирга кўтаринки руҳ бахш этди.

**Лейтенант
Исломжон ҚҶЧҚОРОВ,
«Vatanparvar»**

ОҚ ЙЎЛ, ВАТАН МАРДЛАРИ!



Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида ҳам офицер бўлишни мақсад қилиб белгиланган муддат давомида танлаган соҳаси бўйича таълим олган ўғлонларнинг битирувига вағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда мудофаа вазирининг ўринбосари полковник Алишер Нарбаев, соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Элмира Баситханова ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар иштирок этди.

Майдонда саф тортган ёш офицерлар кўзларга қувонч бағишлайди. Айни дамда савлатидан шижоат ёғилиб турган паҳлавонқомат бу йигитларнинг қалбларидаги ҳаяжон юзларига балқиган. Ота-оналарининг ҳаяжони ҳам фарзандлариникидан қолишмайди. Тантанали маросим шундай шуқуҳли лаҳзалар билан бошланди.

Дастлаб, ёш лейтенантларга тантанали равишда дипломлар топширилди. Қувонарлиси, олий таълим муассасасини имтиёзли диплом билан тамомлаганларга мудофаа вазирининг буйруғига кўра, III даражали «Намунали хизмати учун» кўкрак нишони ва 3-малака тоифаси берилди. Шундан сўнг маросимнинг расмий қисми бошланди. Сўзга чиққанлар ёш офицерларни ҳаётларидаги ушбу муҳим ва унутилмас воқеа билан чин дилдан табриклар экан, уларнинг мазкур олий ҳарбий таълим муассасасида олган билимларини юрт тинчлиги,

Ватан равнақи йўлида қўллашларига катта ишонч билдиришди. Шу билан бирга битирувчиларга таълим-тарбия берган устоз-мураббийлар ва ота-оналарнинг меҳнатини юксак эътироф этишди. Ота-оналар номидан сўз олган Санобар Фармонова эса ўз дил кечинмалари ва туйғуларини гўзал шеър орқали изҳор қилди.

– Неварам Шерзоджоннинг қувончига шерик бўлиш учун Сурхондарё вилоятидан келдик, – дейди Азамат бобо Шарипов биз билан суҳбатда. – Ҳарбийлик мардлар касби. Бугунги тантанада иштирок этар эканман, Шерзоджоннинг мана шундай шарафли ва айни пайтда масъулиятли соҳани танлаганидан ғурурланаяпман. Унинг қўр тўкиб турган савлатига қараб, кўзим қувнаяпти. Аслида Ватан тинчлиги ва осойишталигини қўриқлаш ҳар бир эр йигит учун муқаддас вазифадир. Тилагим, бу йигитларнинг юзи доимо ёруғ, эришгани муваффақият бўлсин!

– Айни вақтда кўнглимдан кечаётганларини сўз билан таърифлаб беролмайман, – дейди олий ҳарбий таълим муассасасини имтиёзли диплом билан тугатган лейтенант Арслонбек Файзуллаев. – Жуда ҳаяжонданман. Бугун орзум ушалди – офицер бўлдим. Ушбу кун бир умрга хотирамда муҳрланади. Фурсатдан фойдаланиб, бизга сабоқ берган устозларимга миннатдорлик билдираман. Эндиликда таълим даргоҳида олган билимларимни амалиётда янада мустаҳкамлаб, жонажон Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш йўлида мардонавор хизмат қиламан.

Ҳарбий хизматчиларнинг кўргазмалли чиқишлари ҳамда ҳарбий санъаткорларнинг концерт дастури тадбирга янада файз бағишлади.

**Майор
Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА**



Конституция – основа наших прав

КОНСТИТУЦИЯ И ПРАВО НА КВАЛИФИЦИРОВАННУЮ МЕДИЦИНСКУЮ ПОМОЩЬ

ВОПРОСЫ ЗДОРОВЬЯ И ИЗЛЕЧЕНИЯ БОЛЕЗНЕННОГО НЕДУГА ВО ВСЕ ВРЕМЕНА ИНТЕРЕСОВАЛИ ЧЕЛОВЕЧЕСТВО И ДО СИХ ПОР НЕ ТЕРЯЮТ СВОЮ АКТУАЛЬНОСТЬ.

Сфера здравоохранения является одной из ключевых и жизненно важных сфер любого государства. Все мы, хоть раз в год, имеем дело с врачами. Недовольство части населения медицинскими услугами и качеством оказываемой помощи требует принятия системных мер по решению этой проблемы. Поэтому наступил момент, когда есть возможность решить эти вопросы в рамках Конституционной реформы и уделить внимание повышению качества и доступности медицинской помощи для всех слоев населения.

ЧТО СДЕЛАНО В СФЕРЕ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ?

За прошедшие годы непосредственно в сфере здравоохранения были приняты **3 Закона, 23 акта Президента, 26 Постановлений** Правительства.

Продолжается работа по организационному укреплению сферы здравоохранения. За последние годы количество пунктов скорой помощи **удвоилось** с 818 до 1666. Также укрепляется материально-техническая база: количество машин скорой помощи было увеличено в **полтора раза** (с 1890 до 2842), а реанимобилей – почти в **двадцать раз** (с 24 до 435).

Показатели в области здравоохранения также существенным образом улучшились. Так, детская смертность от травм **снизилась с 19 % до 12 %**. Увеличились шансы на выживание новорожденных с низким весом (при весе 500-999 г – с 25% до 50 %, а при весе 1 000-1 500 г – с 57% до 80%).

Ежегодно существенная часть средств Государственного бюджета направляется на нужды здравоохранения. Так в 2022 году предусматривается финансирование мероприятий по противодействию распространению заболеваний, вызываемых ВИЧ (95,4 миллиарда сумов), по раннему выявлению врожденных и наследственных заболеваний у детей (58,1 миллиарда сумов), обеспечению лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения, необходимыми для обеспечения здоровья матерей и детей, женщин репродуктивного возраста (28,6 миллиарда сумов) и т.д.

В рамках Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы предусматривается «реализация комплексных мер, направленных на реализацию в 2022–2023 годах программы развития системы здравоохранения, охраны здоровья населения и повышения потенциала медицинских работников, а также стратегии по цифровизации сферы здравоохранения на 2022–2026 годы».

Действующая Конституция Республики Узбекистан в статье 40

предусматривает, что каждый имеет право на квалифицированное медицинское обслуживание. Данная норма предусматривает, что:

- данное право принадлежит всем независимо от гражданства или социального статуса;
- медицинское обслуживание должно быть квалифицированным.

Такая обобщенная норма была введена в связи с формированием системы здравоохранения независимой Республики Узбекистан. При этом в Основном законе созрела необходимость обсуждения внесения следующих важных вопросов:

во-первых, вопросы закрепления получения бесплатной медицинской помощи. Сегодня данный вопрос регулируется решением Правительства.

30 сентября 2019 года Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан было утверждено Положение о порядке формирования Перечня гарантированных объемов медицинской помощи, покрываемых за счет средств Государственного бюджета Республики Узбекистан. В Положении указано, что Перечень ежегодно разрабатывается и утверждается Минздравом по согласованию с Минфином и Министерством экономики и промышленности Узбекистана. Поэтому необходимо обсудить закрепление данного вопроса в Основном законе;

во-вторых, вопросы частных медицинских учреждений. В Узбекистане частная медицина также развивается, ежегодно открываются новые частные клиники. Сегодня функционируют более 6000 частных медицинских учреждений. Так, в 2017 году было утверждено Положение о порядке оказания частными медицинскими организациями бесплатных медицинских услуг социально уязвимым категориям населения за счет средств, высвобождаемых в результате предоставления налоговых льгот. Поэтому вопрос государственно-частного партнерства в сфере здравоохранения имеет важное значение;

в-третьих, вопрос о медицинском страховании. При внедрении этого

вопроса следует параллельно решить организационные задачи. В частности, создание электронной системы страхования, порядок страхования, создание специальной сервисной службы при наступлении страхового случая. В любом случае необходимо обдуманно решить и внедрить вопрос о медицинском страховании.

Конституции многих стран СНГ предусматривают важность получения бесплатной медицинской помощи социально уязвимыми слоями населения, развития частных медицинских учреждений. Так, статья 29 Конституции **Казахстана** предусматривает право граждан на охрану здоровья, на получение бесплатного гарантированного объема медицинской помощи, установленного законом, а также возможность получения платной медицинской помощи в государственных и частных лечебных учреждениях, а также у лиц, занимающихся частной медицинской практикой.

Статья 41 Конституции **Российской Федерации** закрепляет право на охрану здоровья и медицинскую помощь, в частности получение гражданами бесплатной медицинской помощи в государственных и муниципальных учреждениях здравоохранения, финансирование федеральных программ охраны и укрепления здоровья населения, развитие государственной, муниципальной, частной систем здравоохранения.

Во многих странах Европы и некоторых странах Азии право на медицинское обслуживание гармонично сочетается с правом на социальную помощь.

Статья 28 Конституции **Грузии** закрепляет право граждан на доступные и качественные услуги в области здравоохранения, что обеспечивается законом. Государство контролирует все учреждения здра-

вохранения и качество медицинских услуг, регулирует фармацевтическое производство и обращение фармацевтических средств.

В статье 21 Конституции **Китая** закреплены правила о развитии медико-санитарного дела, современной и традиционной отечественной медицины и фармакологии, о поощрении и поддержке создания различных медико-санитарных учреждений, охрану здоровья народа.

В целом Конституции вышеуказанных стран определяют важность развития системы здравоохранения, а также предоставления минимального пакета медицинской помощи (как правило, бесплатно) населению.

Конституция является Основным законом, поэтому в ней предлагается обсудить внесение следующих вопросов:

первое – закрепить гарантию получения гражданами бесплатной медицинской помощи за счет средств бюджета, объем которой должен определять закон.

второе – определить важность развития государственных и частных медицинских учреждений, обеспечение государством качества оказываемых во всех учреждениях медицинских услуг.

третье – создание удобной и выгодной для граждан системы медицинского страхования. При этом данный механизм должен предусматривать государственную поддержку и финансирование в необходимых случаях.

Подытоживая вышеизложенное, можно сказать, что при внесении и обсуждении указанных вопросов следует исходить из важности социальной политики государства, укреплять позицию здорового народа Узбекистана. Если мы хотим жить счастливо и долго, растить здоровых детей, радоваться каждому дню, то такие вопросы должны решать вместе со своим народом. Не стоит на данном этапе развития страны оставаться в стороне.

Абдулазиз РАСУЛЕВ,
доктор юридических наук,
профессор,
Шохжахон ХУЖАЕВ, PhD



Askar bo'lar yigitning mardi



MAHORAT

VA KO'NIKMA SINOVI

**NUKUS SHAHRINING
OTCHOPAR MAYDONIDA
GARNIZONDA JOYLASHGAN
HARBIY QISMLARNING
TRANSPORT VOSITALARI
HAYDOVCHILARI
LAVOZIMIDAGI MUDDATLI
HARBIY XIZMATCHILAR
ISHTIROKIDA MAJMUAVIY
TAKTIK MASHG'ULOT
O'TKAZILDI.**

Harbiy xizmatchilarning kasbiy mahorat va malakasini oshirish, murakkab vaziyatlarda o'ziga birlashtirilgan qurol va harbiy texnikadan oqilona foydalana olish ko'nikmasini shakllantirish, har qanday vaziyatda qo'yilgan o'quv-jangovar vazifalarni sifatli bajarilishini ta'minlash uchun uzluksiz tayyorgarlik mashg'ulotlari olib boriladi.



shartli kichik nosozliklarni aniqlash va ularni qo'l ostidagi ish qurollari yordamida bartaraf etish kabi shartlarni ham ado etishdi.

Harbiy xizmatchilarning haydovchilik mahoratini yuksaltirish, ularda har xil vaziyatlarda texnikani tezkorlik bilan foydalanish uchun shay holatga keltirish, harbiy intizom, o'ziga bo'lgan ishonch va qat'iyatni tarbiyalash, texnikani soz va shay holatda saqlashga o'rgatishga qaratilgan mashg'ulotlar davomida harbiy qismning malakali mutaxassislari barcha jarayonlarni diqqat bilan nazorat qilishdi. Mashg'ulot davomida ishtirokchilarning texnika xavfsizligi talablariga rioya etilishi ta'minlandi.

Haydovchilarning psixologik kuchlanish va jismoniy zo'riqishlarni yengishi mashg'ulot yakunida kolonna bilan 30 km masofaga amalga oshirilgan marsh davomida sinovdan o'tdi. Mashqlarni bajarishda o'tuvchanlik qiyin bo'lgan, qumliklar va balandliklar hamda shartli ravishda ommaviy qirg'in qurollari qo'llanilgan maydonda haydovchilik mahoratini namoyish etishga alohida e'tibor qaratildi. Mashg'ulot davomida haydovchilarning yo'l harakati qoidalari hamda yo'l-ishora belgilarini bilishi, transport vositalarini xavfsiz boshqara olishi, nostandart vaziyatlarda to'g'ri



O'quv mashg'uloti tongda shartli signal bilan boshlanib, unda haydovchilar harbiy texnikalarni yuqori jangovar shaylik holatiga keltirishi va qisqa vaqtda harbiy qismning avtomobil va jangovar texnikalarni saqlash parkidan

chiqib ketishi zarur edi. Mashg'ulotda haydovchilik lavozimida muddatli harbiy xizmatni o'tayotgan askarlar avtomobil texnikalarida murakkab mashqlarni bajarish, yuqori tezlikda transport vositalarini kolonnada boshqarish,

zararlangan hududlar va o'tuvchanligi qiyin bo'lgan joylardan texnikani haydab o'tish kabi mashqlarni bajarishdi.

Haydovchilik mahoratiga ega bo'lgan askarlar mashg'ulot davomida avtomobillarga texnik xizmat ko'rsatish,

qarorlarni tez va ishonchli qabul qilishi bo'yicha nazariy bilim va amaliy ko'nikmalari baholandi.

**Shimoli-g'arbiy harbiy okrug
matbuot xizmati**

Vatan – muqaddas, uni himoya qilish sharaflı burch!

Янгилаётган ва Учинчи Ренессанс пойдевори вужудга келишини таъминлашни энг олий мақсад деб билган Ўзбекистонда бугун амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислохотлар замирида давлат бошқаруви тизимидаги ижтимоий ва маънавий-маърифий ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни тобора юксалиб боришида тинчлик, барқарорлик ва инсонпарварлик тамойилига таянган ҳолда юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг ҳаёти, орзуси, дарду армонларини эътиборимиз марказига қўйишни ва бу борадаги вазифалар самарадорлигини оширишни энг муҳим масала сифатида кун тартибига қўймоқда.

Айни ижтимоий сиёсат нуқтаи назаридан жойларда иш ўринларини ташкил этиш, тадбиркорлик ва хусусий мулк ривожига кенг имконият очиб бериш, ёшлар, хотин-қизлар, кексалар ва ногиронларга ғамхўрлик кўрсатиш, муҳтож инсонларга эътибор қаратиш масалалари қабул қилинаётган давлат дастурларида ўз аксини топмоқда. Мустақилликнинг 30 йиллиги муносабати билан қабул қилинган «**Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик**» деган ғоя негизда улкан тарихий тажрибалар турибди. Шунингдек, истиқболдаги режаларимизга мувофиқ, Ўзбекистон миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил илгарилаб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Ш. Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги 2018 йил 4 августдаги қарори ва шу асосда жорий этилган Қуролли Кучлар тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясига мувофиқ, «**Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурч!**» ғояси илгари сурилди. Шу аснода, Қуролли Кучлар тизимида ҳафтанинг ҳар жума куни «Маънавий юксалиш ва ватанпарварлик куни» этиб белгиланганлиги замирида эса ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини рағбатлантириб бориш лозимлиги белгиланган. Бундан мақсад мамлакатимиз суверенлигини, ҳудудий яхлитлигини, ҳалқимиз тинчлигини садоқат билан ҳимоя қилиш, энг олий вазифа сифатида эътироф этилади.

Юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш борасида кенг кўламдаги ислохотлар амалга оширилмоқда.

Биз мамлакатимиз Президенти раҳбарлигида эркин бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидан бораётган Ўзбекистон сиёсатида бутун эътибор жамият тараққиётига қаратилганлигига амин бўлдик. Дав-

лат бошқарувини эркинлаштириш, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган кенг қамровли ислохотларнинг амалга оширилишида жамоат ташкилотлари, сиёсий институтлар ва оммавий ахборот воситаларининг фаолияти бугунги жараёнлар билан ҳамоҳанг бўлмоқда. Давлат, унинг сиёсати фақат халқ манфаатига, мамлакат фуқаролари оқолига ва барқарор турмушини таъминлашга қаратилганлиги қабул қилинаётган қонунларда, Президент фармонлари ва қарорларида ўз ифодасини топмоқда ҳамда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу эса жамиятнинг моддий-маданий қиёфасини белгилаш билан бирга мамлакат фуқароларининг маънавий-маърифий, ахлоқий тафаккур ва дунёқарошига, руҳий кечинмаларига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ана шунинг ўзи давлат билан фуқаро, ҳокимият билан аҳоли ўртасидаги муносабатларни адолатга таянган ҳолда уйғунлашиб кетиш имкониятини яратди.

Халқимиз тинч ва осойишта ҳаёт кечирмоқда, мамлакатимизда қадим-бақадим ижобий иқтисодий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Тадбиркор, билимдон, меҳнатсевар кишилар учун янги имкониятларга йўл очилмоқда. Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак, деган тамойил ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда. Суд-ҳуқуқ тизимида адолатга эришиш, фуқароларнинг эртанги кунга бўлган ишончини таъминлаш масаласи ҳамда давлат органлари фаолиятига холис баҳо бериш орқали инсон омилини юксалтириш лозимлигини ҳаётнинг ўзи

кўрсатиб турибди. Қабул қилинган қонунларнинг ҳаётийлиги ва ижроси таъминланиши жамиятда устуворлик касб этиши керак. Эндиликда давлат ва нодавлат секторда ҳамда бутун ишлаб чиқаришда мутахассис ходимлар, иқтисодий ислохотларга тезда аралашиб кетувчи хизматчилар, бозор муносабатлари талаблари билан ҳозирги илғор жаҳон технологияси талабларига жавоб берувчи кадрлар зарур. Шунинг учун ҳам умумий ишлаб чиқаришдан илғор технологияларга асосланган ишлаб чиқаришга ўтиш, маҳсулотлар экспорти ҳажминини кўпайтириш ва бугунги бозор шароитида янгилик фикрлайдиган ходимларни тайёрлаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Эндиликда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари ҳар ойнанинг охириги ўн кунлигида ўз сайловчилари билан учрашиб, аҳолини қийнаётган муаммоларни қонуний ҳал этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқаётганлиги, ҳокимият вакиллари фуқароларнинг мурожаатларига бефарқ бўлмаётганлиги ҳам жамиятда юз бераётган ўзгаришларга инсонларнинг дахлдорлик ҳисси билан яшашига замин яратмоқда. Айни пайтда пухта ўйланган қатъий пул-кредит сиёсатини изчил давом эттириш, янги иш ўринларини яратишга муҳим масала сифатида қаралмоқда.

Бугунги дунё ахборот хуружини бошидан кечирмоқда. Шу сабабли ҳам аҳоли тафаккурида ахборотни ўзлаштириш энг долзарб масалалардан бири бўлиб бормоқда. Энди барча шахс ва ижтимоий гуруҳларнинг қизиқиши, кайфияти, ижтимоий ҳолати таҳлил этилар экан, ишсиз қатламни

иш ўринлари билан таъминлаш муҳим масала бўлиб қолаверади. Бунда нодавлат секторни тараққий эттириш ҳам энг муҳим самарали воситалардан биридир. Чунки фуқаролик жамияти шаклланишида нодавлат сектор бошланғич бўлин сифатида баҳоланади. Айни шу жараёнларда инсон ўзининг ижтимоий муаммоларини ҳал этишда жамиятнинг субъекти сифатида намоён бўлади.

Бутун юртимиз бўйлаб улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси кун сайин гўзаллашиб, аҳоли учун намунали лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар ва инфратузилма тармоқлари барпо этилмоқда. Қайта тикланувчи электр манбалари, тоза ичимлик суви ва табиий газ таъминоти яхшиланяпти. Бозорлардаги, дўконлардаги мўл-кўлчилик, дастурхонларимиз тўкин-сочинлигини айтмайсизми?! Буларнинг барчаси, авваламбор, мустақиллигимиз, қолаверса, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик шарофатидан. Бу барчамизни фидойилликка ундамоқда.

Мамлакатимизда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Юртимизда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари 138 та миллий-маданий марказга бирлашиб, «Ўзбекистон – умумий уйимиз» шиори остида катта бир оиланинг фарзандларидек тинч-тотув яшамоқда. Бунинг замирида улкан инсонпарварлик сиёсати турибди.

Дунёда глобализация жараёни кучайган, жаҳон миқёсида рақобат, ўзаро қарама-қаршилик тобора авж олаётган, радикализм, терроризм, экстремизм, прозелитизм ва «оммавий маданият» каби таҳдидлар кенгайиб бораётган ҳозирги замонда доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз керак. «**Ўз уйингни ўзинг асра**», «**Ўз болангни ўзинг асра**» ғоялари орқали сафарбарлигимизни янада оширишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Мамлакат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини кучайтириш навқирон йигит-қизларимизни том маънода ватанпарварлик руҳида тарбиялашимиз даркор.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислохотларга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз зарур. Чунки юксак фуқаролик масъулиятининг жамиятга дахлдорлик туйғуси билан уйғунлашуви буюк мақсадларимизнинг амалга ошишига хизмат қилади ҳамда юртимизнинг дунё меҳваридаги ўрнини янада мустаҳкамлайди. Натижада ҳаракатлар стратегиясидан тараққиёт стратегияси сари илдам одимлаймиз.

**Подполковник
У. МУЙСИНАЛИЕВ
Қуролли Кучлар
Ҳарбий мерос ва замонавий
тадқиқотлар институти
бош илмий ходими,
(PhD)**

Янги Ўзбекистон Стратегиясида Ижтимоий ва маънавий-маърифий тараққиёт масалалари



Imtiyoz va samara

ХАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР

ДЕПУТАТЛАР НИГОҲИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзолари Мудофаа вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларга кўрсатилаётган тиббий таъминот сифатини янада ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ахборотини эшитди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларга кўрсатилаётган тиббий таъминот хизмати амалдаги меъерий-ҳуқуқий

ҳужжатлар асосида тўлиқ ва сифатли ижро этиб келинмоқда.

Хусусан, вазирликнинг олис ва чекка, чегара олди ҳудудларида жойлашган ҳарбий қисмлар ва муассасаларда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини мактабгача таълим ташкилотларига жойлаштириш, уларнинг турмуш ўртоқлари бандлигини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Биргина, 2021 йилда ҳарбий хизматчиларнинг ишсиз оила аъзоларидан 2055 нафари, 2022 йилда 73 нафари мономарказлар, касб-ҳунар ўқитиш марказларига йўналтирилган. Ҳарбий хизматчилар рафиқаларидан 12 833 нафарининг доимий бандлиги таъминланган бўлса, 514 нафари тадбиркорликка жалб этилган.

Бундан ташқари, ҳарбий шаҳарчаларда 125 та тикувчилик цехи фаолияти йўлга қўйилган. Ўтган йилнинг ўзида банк кредитлари ҳисобига 180 нафар оилада яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилиб, 1 542 нафар ҳарбий хизмат-

чи турмуш ўртоқларининг бандлиги таъминланган.

Ҳарбий хизматчиларнинг соғлиғини сақлаш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилган. Бунинг учун ҳарбий-тиббий муассасалар зарур жиҳозлар, дори-дармонлар билан таъминланган. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий муассасалари ва етакчи мутахассислари жалб қилинган ҳолда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича юздан ортиқ тарғибот тадбирлари, чегарага яқин ва чекка гарнизонлардаги ҳарбий хизматчиларнинг 5 210 нафар оила аъзоси малакали тиббий текширувдан ўтказилган.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари фарзандларининг таълим, олий маълумот олиши бўйича ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги қарори ҳамда Ҳукуматнинг 2018 йил 22 июндаги қарори билан ҳарбий

хизматчиларнинг фарзандларига республикамиздаги олий таълим муассасалари, олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришлари учун имтиёзли тавсияномалар бериш тартиби йўлга қўйилди. Охириги тўрт йил мобайнида бу имкониятдан ҳарбий хизматчиларнинг 3 587 нафар фарзанди фойдаланиб, уларнинг 80 фоиздан ортиғи олий таълим муассасасига ўқишга киришга муяссар бўлган.

Бундан ташқари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини имтиёзли кредитлар асосида уй-жой билан таъминлаш борасида ҳам тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари учун 2017–2021 йиллар давомида 230 та кўп қаватли уйдан иборат 7 225 та хонадон қурилиб, фойдаланишга топширилган, биргина 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорига асосан, Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида ҳарбий хизматчилар учун 1 010 та хонадондан иборат кўп қаватли уйлар ипотека кредити асосида қуриб битказилганлиги бунинг яққол далилидир.

Эшитувда депутатлар ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларга кўрсатилаётган тиббий таъминот сифатини янада яхшилаш бўйича қатор таклифларни илгари суришди.

Йиғилиш якуни бўйича қўмитанинг қарори қабул қилинди.

**Мудофаа вазирлиги
Тарбиявий ва мафқуравий
ишлар бош бошқармаси**

Inson – jamiyat – davlat

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТ

ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИДА

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган кенг кўламли вазифалар, халқпарвар давлатни барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қимматини янада самарали таъминлаш каби мақсадлар мамлакатимиздаги туб ислоҳотларга мос янги конституциявий-ҳуқуқий маконни яратиш заруратини юзага келтирмоқда.

Ўтган давр мобайнида жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётида туб ўзгаришлар бўлди. Бу эса Бош қомусимизда «Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат» тамойилларини мустаҳкамлаш, турли ислоҳотлар жараёнида инсон манфаатлари бош мезон бўлишини таъминлаш, хусусий мулк дахлсизлиги, ерга эгалик қилиш ҳуқуқи, фуқаролик жамияти институтларининг ўрнини конституциявий даражага кўтариш, давлат ҳокимияти асосларини такомиллаштириш долзарблигини кўрсатмоқда.



Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида «Конституциявий ислоҳот жамоатчилиги муҳокамасида» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Сенат раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев иштирокчиларни қизиқтирган саволларига жавоб берди. Тадбирда Мудофаа вазирлиги марказий аппарати ҳамда видеоконференцапоқа орқали иштирок этган ҳарбий округ ҳарбий хизматчилари томонидан Бош Қомусимиздаги ўзгартирилаётган айрим моддаларга ўз фикр ва таклифлари билдириб ўтилди.

Конституциявий қонун лойиҳаси Конституциямизнинг 60 дан ортиқ моддаларига 200 дан ортиқ тузатишларни назарда тутмоқда. Конституцияга ўзгаришлар «инсон-жамият-давлат» принципига асосланган бўлиб, миллий конституциявий ўзликини акс эттиради ва

амалдаги Конституциямизнинг барча бўлимларига туб ўзгаришлар киритишни назарда тутди. Шунингдек, Конституциядаги тузатишлар, авваламбор, жамиятнинг турли ижтимоий қатламларига мансуб бўлган фуқароларнинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва экологик ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини таъминлашга, ҳимоя қилишга қаратилган тўғридан-тўғри ишлайдиган нормаларга айланади.

– Умумхалқ муҳокамаси бугунги кунга келиб, мамлакатимизда Конституциявий ислоҳотлар жараёни қизгин паллага кирганлигини аниқламоқда. Ҳарбийлар ҳам дахлдорлик ҳиссини англаган ҳолда ўзларининг ўринли таклифлари билан ўртоқлашгани қонун лойиҳасида ўз аксини топади ва янада такомиллаштирилади, – деди Содиқ Сафоев. – Бугунги кунда минглаб

фуқароларимиз, нуруний ва ёшларимиз, турли миллат вакиллари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, умуман жонажон Ўзбекистонимиз тақдирига бефарқ бўлмаган юртдошларимиз ўз таклифларини юборишда давом этмоқдалар. Чунки ҳар бир инсон ушбу ҳужжатни меники, менинг Конституциям дейиши, унда ўзини, оиласини, маҳалласини, жамият ва давлатни йиллар давомида безовта қилиб келган муаммоларини ечимини унда кўриши мумкин. Юрт келажаги ва Ватанимиз тақдирини сиз ва бизнинг мазкур жараёндаги фаол иштирокчимизга боғлиқ бўлиб, келгуси тараққиётимиз учун муҳим аҳамият касб этади.

**Шерзод ШАРИПОВ,
«Vatanparvar»**



Muallif suratiga olgan

Huquqiy ong

KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHISH – VIJDONIY BURCHIMIZ

Korrupsiya bir necha ming yillik tarixga ega. Yozma manbalarda u haqda eramizdan avvalgi Shumer podsholigi davrida eslatib o'tiladi. Hatto rivojlangan G'arb davlatlari ham korrupsiyadan butkul xalos bo'lolmagan.

Biroq jamiyat hayotiga xavf soluvchi korrupsiyaning oldini olish, unga qarshi kurashish yer yuzidagi barcha davlatlarda hamisha va hamma zamonda davom etgan.

Qur'oni karimda poraxo'rlik bevosita taqiqlanadi: "Bir-birlaringizning mollaringizni botil yo'l bilan yemang. Bilib turib, odamlarning mollaridan bir qismini yeyishingiz uchun uni hokimlarga gunohkorona tashlamang" (*Baqara surasi, 188*). Korrupsiya (*lotincha so'zdan olingan bo'lib, aynish, poraga sotilish*) – mansabdor shaxsning o'z mansabi bo'yicha berilgan huquqlarni shaxsiy boyish maqsadlarida bevosita suiiste'mol qilishidan iborat amaliyotdir. Mansabdor shaxslarni sotib olish, ularning poraga sotilishi ham korrupsiya deyiladi. Korrupsiya davlat apparati va parlament faoliyatida, ayniqsa, avj oladi. Saylanadigan lavozimlarga nomzodlarning saylov kampaniyasini o'tkazish xarajatlarini ko'tarishi korrupsiya ko'rinishlaridan biridir. Aksariyat korrupsiya "lobbizm" (*monopolialarning qonunchilik organlari va amaldorlarga tazyiq o'tkazish bilan shug'ullanadigan muassasa va agentlari tizimi*) bilan bog'langan. Xalqaro darajada 1970-yilda Yaponiyaga samolyotlar sotishda kompaniya tomonidan oliy davlat amaldorlarini sotib olish bo'yicha "Loksid ishi" eng yirik korrupsiya ko'rinishlariga misol bo'ladi. Porani xaspo'shlash uchun yirik bitishuvlarda ko'proq "xizmat haqi" to'lash amaliyotidan foydalaniladi.

Jamiyatda korrupsiya oddiy xalq vakillarining yuqori amaldorlarga yoxud davlat amaldorlarining o'zaro bir-birlariga bo'lgan munosabatidan kelib chiqadi. Ushbu salbiy holatning har qanday ko'rinishi jamiyatni halokat yoqasiga olib borishi muqarrardir. Korrupsiyaning tarixi antik davrlarga (*Qadimgi Yunoniston*) borib taqaladi. U har qanday davlat va jamiyat rivojiga jiddiy salbiy ta'sir ko'rsatuvchi xavfli omil, barcha mamlakatlarga tahdid soluvchi murakkab ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy hodisadir. Zero, bu omil tufayli davlatning rivojlanishi sekinlashadi, hukumat tizimi ishdan chiqadi, demokratik institutlarga putur yetadi. U saylov jarayonlariga salbiy ta'sir qilib, qonun ustuvorligiga jiddiy ziyon yetkazadi. Shu bilan birga, uning ta'siri ostida fuqarolarning ijtimoiy adolatga, haqiqatga va davlat organlariga ishonchi yo'qoladi. Har qanday jamiyat uchun ushbu jinoyatga qarshi kurashish eng dolzarb masalalardan biridir. Bizning davlatimiz korrupsiyaning oldini olish va uning ildizlariga barham berish maqsadida ko'pgina tadbirlarni amalga oshirmoqda. 2003-yil 9-dekabrda BMTning Korrupsiyaga qarshi konvensiyasi imzolanganligi ham fikrimizning isbotidir.



tamagirlik, byurokratiya jamiyatimiz hayotidan yo'qolib ketmayapti.

Davlat va jamiyatda inson ongi, dunyoqarashi bilan bog'liq muammolar tahlilidan kelib chiqsak, sobiq ittifoqdan meros qolgan korrupsiya illatiga qarshi kurashda hali ancha aziyat chekishga to'g'ri keladi. Sababi Xitoy va Singapurlikiga o'xshagan yuqoridan quyigacha qat'iy ishlaydigan iyerarxiya tizimi hali to'liq ishga tushmagan. Bizning eng katta kamchilgimiz "Jamiyatda poraxo'rlik illatini yengib bo'lmaydi", degan fikr yoshlar ongida shakllanib qolganidir. To'g'ri, hayotda turli holatlar va harakatlarga duch kelamiz. Ba'zida ko'z o'ngimizda qonunlar buziladi, inson huquqi, qadr-qimmati poymol etiladi. Bunday vaziyatlarda chorasizlikdan odamning boshi gangib qoladi. Lekin, unutmaylik, xalqimizda "Kasalni davolagandan ko'ra, uning oldini olgan afzaldir", – degan naql bor. Jamiyatimizdagi har qanday jarayonga loqayd munosabatda bo'lmaslik barchamizning ustuvor burchimizdir. Korrupsiyaning har qanday ko'rinishlariga qarshi kurashishni biz, eng avvalo, o'zimizdan boshlashimiz zarur. Buning uchun esa shaxsning huquqiy ongi va madaniyati yetarli darajada shakllangan bo'lmog'i maqsadga muvofiqdir.

Yulduz KINJAYEVA,
Toshkent harbiy sudining
xo'jalik mudirasi

Sayyor qabul

100 DAN ORTIQ MUROJAAT IJOBIV YECHIMINI TOPDI

Mamlakat Qurolli Kuchlari tizimida xizmat qilayotgan harbiy xizmatchilar va ularning oila a'zolarini ijtimoiy-huquqiy himoyalash, har jihatdan qo'llab-quvvatlash, yashash va turmush tarzini yaxshilash, xizmat sifatini yanada oshirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Harbiy prokuraturasi tashabbusi bilan Qashqadaryo viloyatida sayyor ommaviy qabul tashkil etildi.

Respublika Harbiy prokurorining o'rinbosari Sarvar Muhiddinov rahbarligida o'tkazilgan mazkur sayyor qabulda viloyat miqyosidagi barcha harbiy tuzilmalardan tashrif buyurgan 100 dan ortiq harbiy xizmatchilar va ularning oila a'zolari ishtirok etdi.

O'tkazilgan qabulda harbiy xizmatchilar va oilalarni ijtimoiy

muammolari o'rganilib, murojaatlarni ijobiy hal qilishga alohida e'tibor qaratildi. Jarayonda ishtirokchilar tomonidan jami 30 ta murojaat qabul qilinib, ularning 10 tasi qanoatlantirilib, ijobiy hal etilgan bo'lsa, 4 ta murojaat nazoratga olingan holda tegishli tashkilotlarga yo'naltirildi. Shuningdek, 16 nafar murojaatchiga



amaldagi qonun talablariga muvofiq tushuntirishlar berildi.

Shu bilan birga, qabul davomida ishtirokchilarga mamlakatimizda aholi turmush tarzini yaxshilash, xalq farovonligini ta'minlash yo'nalishida amalga oshirilayotgan keng ko'lami islohotlar, bu borada qabul qilinayotgan yangi qonunchilik va normativ-huquqiy hujjatlar mazmun-mohiyati

bo'yicha tushunchalar berdi hamda ijtimoiy himoyaga muhtoj va ish bilan ta'minlanmagan oila a'zolari mavjud harbiy xizmatchilar oilalariga maishiy texnika va boshqa uskunalar taqdim etildi.

**Adliya podpolkovnigi
Sardorbek YORMATOV,**
Respublika Harbiy
prokurorining yordamchisi

"Mudofaa vazirligi haftaligi"

ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР

ВА ИШЛАНМАЛАР



Бугунги жадал ўзгаришлар даврида ҳар қандай давлатнинг тараққий этиши бевосита инновацияларга боғлиқ. Айниқса, кўплаб соҳалар қатори Мудофаа вазирлиги тизимида илғор ғоялар, фан ва техника ютуқларига мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг сифат даражасини ошириш, тизимга янги инновацияларни жорий этиш, илмий-техник лойиҳалар қамровини кенгайтириш муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ўртасида илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ўзаро алоқаларнинг янги босқичини бошлаб берди. Жорий йилнинг февраль ойида ўтказилган «Армия ва халқ якдил» шиори остидаги ҳафталикда ҳарбий таълим муассасаларидан 20 га яқин иштирокчи 41 та лойиҳа билан қатнашган.

Ҳамкорлик доирасида 2022 йилнинг 27 июнида «Мудофаа вазирлиги ҳафталиги» шиори остида Инновацион ҳафталик ташкил этилди. Мазкур ҳафталик давомида ўтказиладиган кўرғазмада Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий таълим муассасалари профессор-ўқитувчи ва курсантлари 55 га яқин инновацион ғоя ва ишланмалар, инновацион маҳсулотлар ҳамда драйвер лойиҳалари билан иштирок этишди.

Мазкур кўрғазмада Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳамда Тиббиёт академияси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юрти, Бухоро давлат университетининг ҳарбий таълим факультети ўз ғоялари, технологиялари, инновацион лойиҳалари, прототиплар ва моделлари билан иштирок этдилар. Жумладан, Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтидан курсант Хайри Мусинов «Юз детектори» идентификация қилиш тизими ва курсант Жаҳонгир Маманиёзов «Дрон» механик равишда учувчи ва кузатувчи қурилмаси билан иштирок этган бўлса, Қуролли Кучлар академиясидан подполковник Ф. Норғитов инновацион

«скалодром» лойиҳасини йиғилганларга намоиш этди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юртидан подполковник Ҳикматилло Дўсматовнинг «водород билан ҳаракатланувчи двигател» лойиҳаси кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Инновацион ҳафталикда жами Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасаларида яратилган 55 дан ортиқ илмий лойиҳа намоиш этилди. Инновацион ҳафталик доирасида илмий ишланмалар ва стартап лойиҳалар кўрғазмаси билан биргаликда семинар тренинг ва маҳорат дарслари ҳам бўлиб ўтди.

Ташкил этилаётган кўрғазмада мудофаа соҳасидаги инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар тўғрисида батафсил маълумотлар берилиши билан бирга барча иштирокчилар учун ўз ғояларини фаолиятга самарали татбиқ этиш учун ажойиб майдон вази фасини ўтайди. Намоиш этилган маҳсулотлар, лойиҳалар ва ғоялар мамлакатимиз мудофааси соҳасини янада такомиллаштириш учун янги имкониятларни очиб беради.

**Катта лейтенант
Бобур ЭЛМУРОДОВ**

Mudofaa vaziri kubogi

Икки полвон вел олишиб, кураш тушяпти. Ишқибозлари ҳам ўзига яраша. Ўртада орийат, номус йигитлар билан баравар олишяпти. Албатта, улардан бири ғалаба қозонади. Лекин иккинчиси мағлуб бўлмайди. Республикамиз бўйлаб 4 босқичда ўтказилган миллий кураш ва тош кўтариш бўйича «Мудофаа вазири кубоги»да ўғлонлар Ватан учун ана шундай ғалабалардан жуда кўплав келтирди. Чиниқди, тобланди. Финал босқичида эса энг кучлилар сараланди.



ФИНАЛДА БАҲОДИРЛАР



Эслатиб ўтиш жоизки, жорий йилнинг 25 май кунидан Мудофаа ва Спортни ривожлантириш вазирликлари, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида ҳарбий хизматчилар ва ёшлар ўртасида 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан миллий кураш ва тош кўтариш спорт турлари бўйича «Мудофаа вазири кубоги» мусобақаларига старт берилган эди.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш мақсадида ташкил қилинган мазкур мусобақаларда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 400 мингга яқин ҳаваскор полвон иштирок этди.

Ёшлар ўртасида тўрт босқичда ва тўрт вазн тоифасида ўтказилган беллашувларнинг дастлабкиси 25 майдан 12 июнгача – маҳаллаларда, 13 июндан 19 июнгача туман ва шаҳар босқичларида, 20 июндан 25 июнгача эса вилоятларда ўтказилди.

«Мудофаа вазири кубоги» мусобақаларининг республика босқичи «Мен ғолиб!» шиори остида Мудофаа вазириликнинг спорт марказида бўлиб ўтди. Унда шу кунгача кечган шиддатли беллашувларда мутлақ ғолибликни қўлга киритган энг кучли полвонлар иштирок этди.

Дарҳақиқат, ҳар бир беллашув юзлаб полвонлар орасидан янги иқтидорлиларни кашф этаётгани билан аҳамиятли бўлди. Ҳар иккала спорт тури ҳам





БЕЛЛАШДИ

қадимдан ота-боболаримиз учун мардлик ва паҳлавонлик, жасорат ва ҳалоллик намунаси сифатида ардоқланади. Буни теран ҳис этиб майдонга тушган бугуннинг ёшлари ғолиблик учун бор маҳорат ва чапдастликларини ишга солдилар.

Юзлаб томошабинлар, ўнлаб камералар қаршисида бел олишиш янада масъулиятли. Бундай давра ғолиб бўлиб, майдонни тарк этишнинг гаштини ўзингиз тасаввур қилиб кўраверинг.

Яқуний натижаларга кўра, даставвал икки спорт тури бўйича ҳар бир вазн тоифасида кучли учликлар аниқланиб, уларга ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар тантанали топширилди.

Умумжамоа ҳисобида (*ёшлар ўртасида*) Сирдарё вилояти 3-, Бухоро вилояти 2-, Тошкент шаҳри 1-ўринга сазовор бўлди.

Ҳарбий хизматчилар ўртасида Ички ишлар вазирлиги 3-, Давлат хавфсизлик хизмати 2-, Мудофаа вазирлиги 1-ўринни забт этди.

Яъни ёшлар орасида Тошкент шаҳри вакиллари, ҳарбий хизматчилар ўртасида эса Мудофаа вазирлиги вакиллари «Мудофаа вазири кубоги»ни қўлга киритди.

Ғолибларга Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири генерал-лейтенант Баҳодир Қурбонов кубок, диплом ва қимматбаҳо совғаларни тантанали равишда топширди.



Капитан Азиз НОРҚУЛОВ,
«Vatanparvar»

КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ



«Ёшлар ойлиги» доирасида Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларидаги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчиларининг IV форуми ўтказилди. Форум мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги Чегара қўшинлари ҳарбий қисмларида фаолият олиб бораётган Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчиларини бир ерга жамлади.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқи ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур форумнинг очилиш маросимида ДХХ Чегара қўшинлари масъул офицерлари ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари сўз олиб, бугун ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида амалга ошири-

лаётган кенг кўламли чора-тадбирлар, демократик, сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар, яратилаётган шарт-шароит ва қулайликлар ҳусусида сўз юритдилар.

Уч кун давомида Чегара қўшинларидаги Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотлари етакчилари томонидан жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, ёшларда ватанпарварлик, масъулият ва жавобгарлик ҳиссини янада кучайтириш борасида устувор вазифалар белгилаб олинди.

Форумнинг дастлабки кунни давра суҳбати билан бошланган бўлса, шундан сўнг иштирокчилар ўртасида «Ёшлар – Янги Ўзбекистон келажагининг бунёдкори» мавзусида иншолар танлови ўтказилди. Куннинг иккинчи ярмида бошланғич ташкилот етакчилари ўртасида волейбол бўйича мусобақа ташкиллаштирилди.

Форумнинг иккинчи кунини қатнашчилар учун Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги «Ёшлар пресс-клуби» да мутахассислар иштирокида «Конституциявий ислохотлар», «Ёшларга оид давлат сиёсати», «Но-тиқлик бўйича психологик тренинг»

ва «Ҳаракатлар стратегиясидан Тараққиёт стратегияси сари» мавзусида машғулотлар ўтказилди.

Учинчи кунни иштирокчилар Иккинчи жаҳон уруши йилларида қаҳрамонлик кўрсатган аждодларимизнинг юксак ватанпарварлик намуналари билан танишиш, уларнинг жасорати, мардлигию матонатидан ибрат олиш мақсадида пойтахтимиздаги «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасида бўлдилар.

Форум доирасидаги ёрқин таассуротларга бой тадбирлардан яна бири бу, шубҳасиз, «Қўмондон ва ёшлар» учрашуви бўлди. Давлат хавфсизлик хизмати Раисининг ўринбосари – Чегара қўшинлари қўмондони ҳамда масъул офицерлар иштирок этган мазкур тадбирда бугун Чегара қўшинларида ёшларга оид давлат сиёсати ижроси юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Самимий мулоқот тарзида ўтган учрашув давомида Чегара қўшинлари қўмондони ўғил-қизларнинг келгусидаги режалари, истаклари ва муаммолари

билан қизиқди, ёшлар ҳам ҳарбийлик соҳасида ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Тадбир доирасида «Энг илғор бошланғич ташкилот етакчиси» танловининг республика босқичи ўтказилди ва ғолиблар аниқланди. Унга кўра, 1-ўринни капитан Сардор Отақулов қўлга киритди. Капитан Бобурмирзо Расулжонов 2-ўринга сазовор бўлган бўлса, капитан Илҳомбек Холтўраев 3-ўринни эгаллади.

Ёдда қоларли онларга бой тарзда ўтган форум Чегара қўшинларидаги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчиларининг келгусидаги иш фаолиятини мувофиқлаштиришга, амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Иштирокчилар куннинг иккинчи ярмида Алишер Навоий номидаги «Киночилар уйи»да ташкиллаштирилган «Ватан остонаси» бадиий фильмининг премьерасини томоша қилишди.

Майор Фариди БОБОЖОНОВА
ДХХ Чегара қўшинлари

Yoz – o'tmoqda soz

"VATANPARVAR" BILAN MAZMUNLI UCHRASHUV

Qoraqalpog'iston Respublikasi To'rtko'l tumani "Sho'raxon" OFY hududida joylashgan "Lochin" yozgi bolalar dam olish oromgohida umumta'lim maktablari o'quvchilarining maroqli hordiq chiqarishlari va ularning bo'sh vaqtlarini mazmunli tashkil etish maqsadida "Vatanparvar" tashkiloti To'rtko'l tumani o'quv sport-texnika klubi va hamkor tashkilotlar bilan birgalikda harbiy-vatanparvarlik tadbiri o'tkazildi.



Unda "Vatanparvar" tashkiloti tomonidan aholi, ayniqsa, yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ular orasida sportning texnik va amaliy turlarini keng targ'ib qilish hamda ommaviy texnik kasb xodimlarini tayyorlash bo'yicha amalga oshirilayotgan ishlar va bu borada yaratilgan imkoniyatlar to'g'risida ma'lumotlar berildi.

Shuningdek, bolalar o'rtasida havo miltig'idan o'q otish bo'yicha o'ziga xos kichik musobaqa uyushtirildi. Tashkil etilgan "Yashil chiroq" viktorinasida ular yo'l harakati qoidalari bo'yicha bilimlarini namoyon etdilar. Bellashuv g'oliblari tashkilotning esdalik sovg'alari va faxriy yorliqlari bilan taqdirlandilar.

Ayniqsa, To'rtko'l tumani o'quv sport-texnika klubining aviamodel va raketamodel sport seksiyalari ko'rgazmalari hamda ushbu seksiyalarning sportchilari tomonidan yasalgan raketaning ochiq osmonga uchirilishi bolalarda olam-olam quvonch va unutilmas taassurot bag'ishladi.

"Vatanparvar" tashkiloti yozgi oromgohlarda dam olayotgan bolalarning vaqtlarini mazmunan boyitishda davom etadi.

"Vatanparvar" tashkiloti matbuot xizmati

Tanlov

КИТОБСЕВАР ҲАРБИЙЛАР

«Ёшлар ойлиги» доирасида Нукус гарнизонидаги ҳарбий қисмларнинг вирида ёш ҳарбий хизматчилар ўртасида "Энг яхши ёш китобхон" танловининг Шимоли-ғарбий ҳарбий округ босқичи бўлиб ўтди. Унда Урганч ва Нукус гарнизонларидаги ҳарбий қисмлардан жами олти нафар ёш ҳарбий китобхонлик бўйича беллашиб, ақлу заковатини намоён этди.

Қизғин баҳс-мунозарага бой ўтган танловда «Ўзбек адабиёти билимдони», «Жаҳон адабиёти билимдони», «Буюк мутафаккир ва адиб» ҳамда «Шеърят» каби шартлар ёш ҳарбий китобхонларнинг мутолаага бўлган чексиз муҳаббатини намоён этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмлари Қорақалпоғистон бўлими ҳамда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг «Китобсеварлар клуби» аъзолари иштирокчиларнинг ҳар бир шарт бўйича берган жавобларини муносиб баҳолаб боришди.

Ғолибларга ҳарбий округ қўмондонлигининг фахрий ёрлиқлари ва китоблар жамланмаси ҳадя этилди.



Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати

Eng yaxshi yosh kitobxon

ҒОЛИБЖОН – ИСМИГА МУНОСИБ ЎҒЛОН!

Қадимий ва бетакрор диёримиздан етишиб чиққан буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг бой маънавий меросини, умумбашарий цивилизация, маданият, дунёвий ва диний илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган улғ аждодларимизнинг ноёб асарларини асрав-авайлаш, уларнинг нодир меросини, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғив этиш ҳамда ҳарбий хизматчилар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг оммалаштириш мақсадида Мудофаа вазирлиги қўмондонлигида «Энг яхши ёш китобхон» танлови ўтказилди.



Иштирокчилар «Ўзбек адабиёти билимдони», «Жаҳон адабиёти билимдони» ва «Шеърят» шартлари бўйича ўзаро беллашдилар. Қувонарлиси шундаки, ҳарбий хизматчиларнинг фаол иштироки, адабиётга ошнолиги ва билимдонлиги тадбир давомида яққол намоён бўлди.

Қизгин ва мурасасиз кечган танлов натижаларига кўра, Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳрида жойлашган

ҳарбий қисм ҳарбий хизматчиси кичик сержант Ғолибжон Азимжонов фахрли биринчи ўринни қўлга киритиб, танловнинг Мудофаа вазирлиги босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ғолиб ва совриндорлар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Майор Фаррухбек СОТВОЛДИЕВ

Танлов

ЭНГ ЯХШИЛАР АНИҚЛАНДИ

Ҳар йили «Ёшлар ойлиги» доирасида Мудофаа вазирлиги қўшинларида турли танлов ва беллашувлар ўтказилиши анъанага айланган.

Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасаларида бошланғич ташкилотлар фаолиятини ўрганиш, етакчилар билим ва кўникмасини, ёшларни ўз ортидан эргаштира олишини, фаолияти давомида эришган натижаларини баҳолаш, улар ўртасида ҳамкорлик ва соғлом рақобат муҳитини яратиш, фаол, иқтидорли ҳамда ташаббускор етакчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмларнинг бирида «Энг яхши бошланғич ташкилот етакчиси» ва «Энг яхши бошланғич ташкилот етакчиси хонаси» танлови ўтказилди.



Иштирокчилар танлов низомида белгиланган шартлар бўйича ўзаро беллашдилар. Ҳар бир иштирокчининг чиқиши ҳакамлар ҳайъати томонидан одилона ва шаффоф тарзда баҳоланиб, ғолиблар аниқланди.

Якуний натижаларга кўра, Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисм бошланғич ташкилот етакчиси капитан Жавоҳир Ражабов ғолибликни қўлга киритган бўлса, Бухоро вилояти Қоровулбозор туманида жойлашган ҳарбий қисм Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти етакчиси хонаси энг яхши деб топилди.

Shifokor tavsiyasi

САВОБ ИШНИНГ ИФОДАСИ

Донор сўзи лотинчадан таржима қилинганда, «туҳфа қилмоқ» деган маънони англатади. Қон инсон учун бебаҳо неъматдир, унинг қийматини ҳеч бир нарса билан таққослаб бўлмайди. Қон ва унинг таркибий қисмлари унга муҳтож бемор ҳаётини сақлаб қолиш учун муҳим воситадир.



Қон инсон ҳаёти хавф остида қолганда, яъни кўп миқдорда қон йўқотган беморлар, ярадорлар ва жароҳатланганларни даволашда, бир қатор қон тизими касалликларида, саратон касалликларида, патологияли оғир кечадиган туғуруқларда, операцияларда, оғир даражали куйишларда ва бошқа турли хил фавқулоддаги ҳолатларда қўйилади.

Қон донори бу ўзига нотаниш инсон ҳаётини сақлаб қолиш учун ҳам яшаши лозимлигини доимо ёдда тутадиган инсондир. Қон донорлигининг асосий принциплари бу: ўз хоҳиши билан – қонини беминнат бериш, қоннинг инсон учун хавфсизлиги, хавфсиз ишлатилишидир.

Бугунги кунда барча тоифадаги ҳарбий хизматчиларнинг ихтиёрий равишда қон топшириши қонун доирасида, ҳукуматнинг қарорлари, мудофаа вазирининг тегишли буй-

руқлари асосида амалга оширилади. Замонавий тиббиёт илми натижалари, олимларнинг тадқиқотлари, кўп йиллик тажрибаларга асосланиб шундай хулосага келиш мумкин: оз миқдорда қон йўқотиш биологик томондан хавфсиз, донор организмдаги муайян шаклдаги элементлар, қизил ва оқ қон таначалари таркибига таъсир қилмайди. Қолаверса, қон топшириш инсон организми учун фойдали ҳисобланади.

Яъни:

- қондаги ҳужайралар янгиланади;
- шамоллаш билан боғлиқ касалликларга чалиниш хавфи тубдан камаяди;
- тез-тез қон топшириб турган инсонларда миокард инфаркти бўлиш ва қон босимининг ошиши билан боғлиқ касалликларга чалиниш хавфи

камайиб, танада умумий ва гормонал модда алмашинуви яхшиланади.

Мудофаа вазирининг тегишли буйруғига кўра, қон топширган қон донорлари қуйидаги имтиёزلарга эгадирлар:

Мудофаа вазирлиги ишчи ва хизматчилари таркибидаги донорларнинг қон топшириш учун текширувдан ўтадиган, қон топширган ва дам олган вақтларида хизмат (иш) жойларидаги ўртача иш ҳақи сақланади;

ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилари таркибидаги донорлар қон ва унинг таркибий қисмларини топширган кунлари қўшимча овқат билан таъминланади;

донорлар қон ва унинг таркибий қисмларини топширган кунлари ва тиббий кўрикдан ўтган кунлари хизмат (иш), наряд ва бошқа турдаги хизмат шаклларида озод қилинади;

донорларга ҳар бир қон ва унинг таркибий қисмларини топширган кундан кейин қўшимча дам олиш кунни тақдим этилади. Контракт бўйича ҳарбий хизматдаги оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар ҳамда Мудофаа вазирлиги ишчи ва хизматчиларига ўз хоҳишлари бўйича берилган дам олиш кунларини навбатдаги (ҳар йилги) таътилларида қўшилиши мумкин.

Марказий ҳарбий клиник госпиталининг қон тайёрлаш маркази Мудофаа вазирлиги ҳарбий даволаш муассасаларини қон, унинг таркибий қисмлари ва препаратлари билан таъминлаш учун асосий таянч ҳисобланади. Бу ерда ихтиёрий равишда (беғараз) қон топширадиган ҳарбий хизматчилар госпиталларда даволанаётган сафдошларининг, улар оила аъзоларининг, истеъфодаги ва захирадаги офицерларнинг тезроқ шифо топишига ёрдам берувчи олижаноб инсонлардир. Бу ерга қонга муҳтож бўлган беморларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун қон топширишга қарор қилган барча фидойи ҳарбий хизматчилар доимий равишда таклиф қилинадилар.

Қон топширилиши ва бу қоннинг бирор бир инсон ҳаётини сақлаб қолиши инсоннинг инсонга ҳада этган энг олий даражадаги совғасидир. Ҳаёт ҳада этиш савоб ишининг энг олий ифодасидир. Шундай экан, савоб ишни амалга оширишга кечикмайлик. Қилган яхшилигингиз албатта қайтади.

Тиббий хизмат подполковниги Зафаржон ИБРАГИМОВ, Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бош трансфузиологи – қон тайёрлаш маркази бошлиғи

Xotira daftari



O'N SAKKIZDA ANGLAGANLARIM

Tug'ilgan kun. Yil davomida orziqib kutilgan sana. Bu ayyomni bolalikdan yaqinlarim davrasida tantanali qarshi olaman. Ammo...

Bu yil 18 ga to'ldim. Tavallud ayyomim uydagilardan yiroqda nishonlandi. Soat millari o'n ikkiga bong urganda shamlar yog'dusida yurish, kun bo'yi dugonalarim bilan vaqtni maroqli o'tkazish. Ha, bu insonning havasini uyg'otadi, lekin qalb kemtiginini to'ldirishga qodir emas ekan.

Men hali-hamon ishonishni xohlamaydigan haqiqat – onajonimning bu dunyoda yo'qliklari. Bu validamsiz yettinchi marotaba o'tkazilayotgan tug'ilgan kunim.

Ularsiz o'tayotgan lahzalarimda ma'no yo'qdek go'yo. Mushtiparim hayotliklarida o'tgan kunlar men uchun baxtga limmolim bo'lgan ekan. Ularning mehrga to'la bag'irlari bir olam quvonch bag'ishlar edi. Shu payt xotiramga muhrlangan tug'ilgan kun ayyomlarimdan biri esga tushdi.

Tug'ilgan kunim edi. Mehribonim erta tongdan meni ohista o'pib, tabriklab uyg'otdi. Kunning bunday boshlanishi – behisob baxt. Dadam, opam, singlim va ukam – hammasi birgalikda meni qutladi. Yaxshi kayfiyat bilan darsdan qaytayotib, dugonamning dastidan bir sinfdoshim bilan tortishib qoldim. O'zimcha, uni qo'rqitib qo'yish uchun turtmoqchi bo'lganimda kiyimimning metal tugmasi bexos ko'ziga tegib ketdi. Ming pushaymonlik ichida uyga qaytib, bo'lgan ishni onamga so'zlab berdim. Ular esa meni juda qattiq koyidilar. Haq ekanimni biladilar-u, nega buncha tanbeh berdilar, deb xafa bo'lib xonamga kirib ketdim.

Menga bag'ishlangan bayramona kechki ovqat vaqtida qarindoshlar

bilan dasturxon atrofida gaplashib o'tirdik, lekin men hech narsa yemadim. Yoshligimda shunaqa yomon qaysarligim bor edi. Kun bo'yi onamning ko'ziga qaramaslikka harakat qildim. Qornim to'q deb, bolalar bilan o'ynagani ko'chaga chiqib ketdim. Tug'ilgan kunimning nihoyalanayotganini sezmay qolibman. Singlim meni chaqirgani keldi. Men hanuz arazlab, chiqmasligimni aytdim. Buni eshitgan onaizorimning battar jahllari chiqqan bo'lsa ham, majburlab ovqatimni yedirdilar. Keyin yaqinroq kelib, bag'irlariga bosdilar.

– Qizim, sen meni tushunmading. U ham birovning bolasi, shuning uchun senga qattiq gapirib yubordim. Bilaman, dugonangning yonini olgansan, bola ham to'g'ri gapirmagan. Shunday vaziyatlarda mening nasihatimni yodga ol. Men doim sen bilanman. Faqat g'azabingni jilovla, hislaringni hech tortinmay menga ayt, – dedilar. Hozirgacha biror qarama-qarshilikka

duch kelsam, validamning shu gaplarini eslayman va ruhan men bilan ekanliklarini his qilaman. Kichkinaligimda mehribonim bilan juda ko'p tortishganimdan afsuslanaman.

Mehribonim, sizni juda sog'indim. Agar qo'limda vaqtni ortga qaytaruvchi uskuna bo'lganida, uni hech ikkilanmay ishga solar edim. Bolalikning har qanday orzu va istaklari mehringizdan ustun emas ekan. Borlingiz baxt, sog'lig'ingiz ne'mat bo'lgan ekan.

Shuni tushundim, bu dunyoning sir-sinoatlari shu qadar chegarasiz ekanki, ba'zida nimani xohlashimizni ham anglab yetolmas ekanmiz. Bolalikda juda ko'p orzuga berilibmanki, yonimdagi insonlarning qadriga yetishni, boriga shukr qilishni bilmabman. Agar yoningizda yaqinlaringiz bo'lmasa, hech narsaning qizig'i ham bo'lmas ekan.

Mohinur ANORBOYEVA,
O'zJOKU talabasi

Mulohaza

O'G'IRLANAYOTGAN

Bolaligimda erka bo'lmaganman. Ota-onam menga ko'p cheklovlar qo'ygan, meni o'yin-kulgidan yiroq tutgan. O'shanda ulardan ranjiganim rost. Tengdoshlarimning ota-onasi bilan birgalikda aylanib yurganini ko'rib, "Nega meni bog'ga olib bormaysiz? Nega men bilan har xil o'yinlar o'ynamaysiz?" deb ko'p bora xarxasha qilganman. Bularni hozir o'ylasam... Vaziyatni doimo o'z qarichimda o'chagan ekanman. Endi bilsam, o'sha paytda ular yaratib bergan muhit hamda o'z o'rnida berilgan tarbiya men uchun ko'p narsani hal qilgan ekan.

Maktabdan qaytganimda onamning birinchi qiladigan ishi kundaligimni tekshirib, baholarimni ko'rish edi. Qaysi fandan baho olmagan bo'lsam, o'sha kuni uydan chiqmay, shu fanni o'qib-o'rganar edim. O'ynagani chaqirib kelgan o'rtog'imga onam: "Bugun dugonang ko'chaga chiqmaydi. Darsini tayyorlab, ertaga a'lo baho olib kelsa, birga o'ynashingiz mumkin", der edi. Bunday paytda menga juda alam qilar, derazadan o'rtoqlarimning maza qilib o'ynayotganiga havas qilar edim. Ko'zyoshlarimni daftarga to'kkancha dars qilishda davom etardim. "Ikki" olib kelgan kunim esa to shu fandan mavzuni qayta topshirib, bahoni tuzatmagunimcha ko'chaga chiqish taqiqlanar edi. Shu tariqa menda fanlarga qiziqish paydo bo'la boshlagan.



BOLALIK

O'zimning bolalik davrimni hozirgi bolalarniki bilan taqqoslasam, katta tafovut borligini ko'raman. Chunki hozir aksariyat ota-onalar farzandlarining ta'lim-tarbiyasini zamonaviy aloqa vositalari va internet orqali nazorat qilayпти. Hatto o'quvchining kundalik reyting daftari ham onlayn ravishda

kuzatiladi. Qimmatli vaqtimizning ko'p qismi internet tarmoqlaridagi yangiliklar, turli o'yinlar uchun sarflanmoqda. Ayniqsa, bolalar uchun hamma narsa o'yindan iborat bo'lib qolganek.

Global tarmoqdan foydalanish davomida kimdir o'zi uchun kerakli ma'lumotni olsa, allakim shunchaki

umrini zoye ketkazadi. Afsuski, bugun insoniyat ijtimoiy tarmoqlarga haddan tashqari qattiq bog'lanib qolyapti. Ilgari bolalar ko'chada bir-biri bilan "Chillak", "Beshtosh", "Oq terakmi, ko'k terak", quvlashmashoq, berkinmashoq, arg'amchida sakrash kabi o'yinlar bilan band bo'lgan. Ayni paytda esa "PubG", "1xBet", "Counter strike", "GTA" singari mashhur o'yinlarda kim o'zarga bellashmoqdalar. Ularga shu darajada mukkasidan ketgani sababli yon-atrofdagi o'zgarishlardan bexabar qolmoqda.

Oldinlari uyimizga mehmon kelsa, miriqib suhbatlashib o'tirar edik. Hozirchi, uyimizga kelgan kishi darhol wi-fi parolini so'raydi. Qarabsizki, hammaning nigohi telefon ekraniga mixlanadi. Bu vaziyatda men farzandiga mobil qurilmani olib bergan ota-onalarni aybdor qilmoqchi emasman, albatta. Ular bolasining birovdan kam bo'lmasligini istaydi, xolos. Qolaversa, hozirgi zamon talabi ham shu. Shunday qilib, bola uchun bu buyum hayotning ajralmas bo'lagiga aylanadi-qoladi. Bolalikning beg'ubor onlari shu qurilma sababli "o'g'irlanadi".

Shular haqida o'ylar ekanman, aslida mening bolaligim maqsadli o'g'irlangan ekan, degan xulosaga kelaman...

Tursunoy BOQIYEVA,
O'zJOKU talabasi

Uchrashuv

ЁЗ – ЎТМОҚДА СОЗ

Кундалик ҳаётимизни автотранспорт воситаларисиз тасаввур қилолмаймиз. Эътибор бераётган бўлсангиз, мамлакатимизда йилдан-йилга автомобиллар сони ортиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилишини тақозо этади. «Ватанпарвар» ташкилоти Паркент тумани ўқув спорт-техника клуби ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Сўқоқ қишлоғидаги 51-умумтаълим мактабида ташкил этилган «Нафосат» соғломлаштириш оромгоҳида ўтказган «Йўл қондаси – умр фойдаси» мавзусидаги учрашув бу ворадаги амалий ҳаракатларнинг инъикосидир.



Самимий мулоқот тарзида ўтган тадбирда Паркент тумани ўқув спорт-техника клуби раҳбарининг ўринбосари Миркомил Ҳомидов ўғил-қизларга йўл ҳаракати қоидалари, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда ҳайдовчи ва пиёдалар зиммасидаги масъулият, жавобгарлик ҳисси ҳақида тушунча берди. Шу билан бирга, йўл-транспорт ҳодисаларига олиб келаётган сабаблар уларнинг оқибатлари хусусида сўзлади.

Саксон нафар ўқувчи ёшни қамраб олган учрашув савол-жавобга бой бўлди.

Шу куни тадбир доирасида болалар ўртасида «Ўзбекистон – келажак буюк давлат» мавзусида викторина, асфальтга расм чизиш, заковат беллашуви, ёш китобхонлар кўрик-танлови ҳамда спорт мусобақаси ҳам ташкиллаштирилди. Беллашув ғолиблари эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Майор Гулнора ҲОЖИМУРОВА

Davra suhbatlari

ТАКЛИФ ВА ФИКРЛАР БИЛДИРИЛДИ

Жорий йил 20 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Республика Конституциявий комиссияси аъзолари билан учрашган эди. Учрашув давомида давлатимиз раҳбари Конституцияга ўзгартириш киритиш юзасидан фуқаролар томонидан билдирилган айрим таклифларга муносабат билдириш асносида ўз таклифларини илгари сурди.



Шарқий ҳарбий округ қўшинларининг Фарғона, Андижон ва Наманган гарнизонидаги ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари билан округ қўшинлари кўмондони ва унинг ўринбосарлари, ҳарбий прокуратура ҳамда вилоят адлия бошқармалари ходимлари иштирокида давра суҳбатлари бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар ҳақида батафсил тушунтириб ўтишди. Бунда эса ҳарбий хизматчилар ҳам бефарқ эмасликларини айтиб, ўзларининг таклифлари билан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шарқий ҳарбий округ матбуот хизмати

Yong'in xavfsizligi

БОЛАЛАР

НАЗОРАТСИЗ ҚОЛМАСИН!

Одатда ёнғин чиқиши инсонларнинг очиқ оловдан фойдаланишда эҳтиётсизликлари, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасликлари, электр сим ва жиҳозлар ҳамда иситиш мосламаларининг носозлиги ёки улардан нотўғри фойдаланишдан келиб чиқади. Мазкур ёнғинларнинг содир бўлишида болаларнинг шўхлиги ёки уларнинг назоратсиз қолдирилиши ҳолатлари ҳам сабаб бўлмоқда.

Болалар шўх, ўйинқароқ бўлиб, улар одатда ҳамма нарсани синаб кўришни хуш кўришади. Улар учун олов қизиқ нарса. Бу табиий ҳол. Агар уларга оловнинг хавф-хатари ва оқибатлари ҳақида тушунчалар берилса, кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мумкин.

Ёзги дам олиш ойларида болаларнинг қаровсиз қолдирилишидан турли электр қурилмаларидан нотўғри фойдаланишларидан, газ плиталари жўмракларини ўйнаб, очиқ қолдиришларидан ёнғинлар келиб чиқади. Ёзги мавсумда болаларнинг таътилни кўнгилли ўтказишлари учун уйда қаровсиз қолдирмаслик ва уларга олов билан боғлиқ уй юмушларини буюрмаслик, электр розеткалар тешикларини махсус пластик қопламлар билан беркитиб қўйиш, болаларга оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига



риоя қилишлари юзасидан доимо тушунчалар бериб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

Болалар ёнғин пайтида олов билан бирга тутун ҳам ҳаёт учун хавф туғдиришини билишлари шарт. Улар аланга ва тутун қоплаган жойдан ташқарига эгилиб ёки эмаклаб чиқиш кераклигини, иложи бўлса, кийимини ҳўллаб олиши ва бошини ҳўл мато билан беркитиши лозим-

лигини билишлари керак. Агар хонада газ ҳиди сезилса, чироқ ва учқун чиқарувчи мосламаларидан асло фойдаланиш мумкин эмас ва бу ҳолда дарҳол хонани шамоллатиш чорасини кўриш, жўмрак орқали ўчирилгандан сўнг ҳам газ ҳиди пайқалса, бу ҳақда катталарга ёки «104» телефон рақами орқали газ хизматига хабар беришни унутмасликлари лозим.

Подполковник Зокир КЕНЖАЕВ, Тошкент гарнизони ёнғин назорати инспекцияси бошлиғи

Taekvondo

TARIXIY NATIJA!

Taekvondo WT bo'yicha XXV Osiyo chempionati Janubiy Koreyada o'tkazildi. Qit'amizning 30 dan ziyod davlatidan mahoratli taekvondochilar qatnashgan musobaqada terma jamoamiz 4 ta oltin, bitta kumush va 2 ta bronza, jami 7 ta medalni qo'lga kiritdi. Ushbu muvaffaqiyatda Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) vakillarining ulushi katta bo'ldi. Xususan, qo'lga kiritilgan 4 ta oltin medalning 3 tasiga MVSM vakillari erishdi. Jasurbek Jaysunov esa "Chempionatning eng yaxshi sportchisi", deb topildi.

Taekvondo mutaxassislari tomonidan tarixiy natija sifatida qayd etilgan ushbu muvaffaqiyatning eng e'tiborli jihati



shundaki, shu paytgacha o'tkazilgan qit'a chempionatlarining birortasida vakillarimiz bu qadar ko'p oltin medallarga musharraf

bo'lmagandi. Mazkur chempionatda qo'lga kiritilgan 4 ta oltin medal mamlakatimiz taekvondosi tarixida muhim yangilik bo'ldi. Shuningdek, o'zbekistonlik taekvondochilar shu paytgacha chempionatlarda qit'a yetakchisi bo'lib kelgan Janubiy Koreya terma jamoasini oltin medallar soni bo'yicha dog'da qoldirishdi – koreyaliklar bu safar 3 ta oltin medalga egalik qilishdi. O'z navbatida, ko'p hollarda taekvondo vatani vakillariga raqobat ko'rsatib kelgan eronlik taekvondochi yigitlar bu galgi chempionatda bironta ham oltin medalga ega chiqmadi.

Osiyo chempionatida yurtimiz qizlar terma jamoasidan Zarnigor Husniddinova (-46 kg), Dinora Muxtorova (-49 kg), Charos Qayumova (-53 kg), Feruza Sodiqova (-62 kg), Svetlana Osipova (+73 kg) ishtirok etgan bo'lsa, yigitlardan Niyoz Po'latov (-63 kg), Ulug'bek Rashitov (-68 kg), Jasur Jaysunov (-74 kg), Shuhrat Salayev

(-80 kg), Nikita Rafalovich (-87 kg), Shoxruh Rajabov (+87) mamlakatimiz sport sharafini himoya qilishdi.

O'zbekiston taekvondo terma jamoasi tarkibida Janubiy Koreyaga borgan MVSM vakillaridan Ulug'bek Rashitov, Jasurbek Jaysunov va Nikita Rafalovich murosasiz bahslar natijasida Osiyo chempionligiga erishdi. Terma jamoamiz hisobidagi to'rtinchi oltin medal Shuhrat Salayevga tegishli bo'ldi. Charos Qayumova kumush medalga ega chiqqan bo'lsa, Feruza Sodiqova va Svetlana Osipova yurtimizga bronza medal bilan qaytdi.

Chempionat so'ngida Osiyo taekvondo federatsiyasi mutaxassislari e'tirofi bilan -74 kg vazn toifasida oltin medalni qo'lga kiritgan MVSM vakili Jasurbek Jaysunov musobaqaning "Eng yaxshi sportchi"si deb topildi. O'z tarixida ilk bor Osiyo birinchiligida 4 ta oltin medal jam'argan erkaklar jamoamiz ustoz Pavel Xan esa "Eng yaxshi murabbiy" sifatida e'tirof etildi.

Dzyudo

MVSM VAKILLARI

ASOSIY QAHRAMON

Mo'g'ulistonda Xalqaro dzyudo federatsiyasi (IJF) taqvim rejasidan joy olgan yirik musobaqalardan biri – Ulan-Bator "Katta Dubulg'a" turniri bo'lib o'tdi. Mazkur nufuzli musobaqada terma jamoamizning 13 nafar a'zosi qatnashdi va yakunda 4 nafari shohsupaga ko'tarildi. Ushbu yutuqlarning asosiy qahramonlari Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) vakillari bo'lishdi.

Avvalo, shuni ta'kidlash joiz, bu yilgi mavsum musobaqalari nafaqat bizning yurt dzyudo muxlislari, balki butun dunyo dzyudo mutaxassislari uchun ham kutilmagan natijalar va voqe'larga boy bo'lmoqda. Buning asosiy sababi 2022-yilgi musobaqalar avvalgilaridan farqli ravishda bir qator yangilangan dzyudo qoidalarida asosida tashkil etilayotganligidir. Xususan, bu yilgi turnirlarda usulga tushib qolgan dzyudochi yiqilayotganda tirsagi yoki qo'lini tatamiga qo'yib olsa, raqibiga baho berilishi barobarida o'zi ogohlantirish olmoqda. Bellashuv vaqtida raqibining libosidan ushlar holatini uzsa-yu, o'zi darhol hujumga o'tmasa, ogohlantirish bilan jazolanmoqda. Shu kabi Xalqaro dzyudo federatsiyasi (IJF) tomonidan yo'lga qo'yilgan boshqa bir qator o'zgarishlar dzyudo mutaxassislarining ta'kidlashicha, katta tajribaga ega mahoratli dzyudochilarni ham bellashuvlar davomida chalg'itib qo'yish barobarida kutilmagan natijalarga sabab bo'lyapti. Ulan-Bator "Katta Dubulg'a" turniri oldidan IJF yana bir yangilik, ya'ni mazkur turnirdan e'tiboran ushbu sport turida "Parij – 2024" yozgi Olimpiya o'yinlari uchun reyting ochkolarini jamg'arish boshlanishini e'lon qilishi dzyudochilarning mas'uliyatini yanada oshirdi.

Shu va shu kabi murakkabliklarga qaramay yurtimiz polvonlari xalqaro arenada o'z imkoniyatlarini saqlab qolyapti.

Zero, bu yilgi mavsumni o'zbek dzyudosi uchun katta bayram va keng imkoniyatlar eshigi ochiladigan davr deyish mumkin. Chunki bu yil yurtimizda dzyudomiz tashkil topganining 80 yilligi keng nishonlanadi, o'z navbatida, kattalar o'rtasidagi jahon chempionati mamlakatimizda ilk marta o'tkaziladi. Poytaxtimizdagi muhtasham "Humo Arena" sport saroyida 6–13-oktabr kunlari tashkil etiladigan ushbu dunyo birinchiligiga hozirdan puxta hozirlik ko'rilyapti. Dzyudochilarimiz ham yirik xalqaro musobaqalarda munosib qatnashib, yurtimiz sport sharafini yanada ulug'lashmoqda. Bundan o'tgan hafta oxirida Ulan-Bator shahri mezbonlik qilgan dzyudo bo'yicha "Katta Dubulg'a" musobaqasi ham xoli bo'lmadi. Sportchilarimiz orasida asosiy qahramon yana Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) vakili, xalqaro toifadagi sport ustasi Diyora Keldiyorova (-52) bo'ldi. O'tgan yili Antalyada o'tkazilgan musobaqada barcha raqiblarini mag'lub etib, oltin medalni qo'lga kiritgan va "Katta Dubulg'a" turnirlarida g'oliblikka erishgan birinchi ayol dzyudochi sifatida yurtimiz sporti tarixidan joy olgan MVSM vakili Ulan-Bator ham katta mahorat namoyish etdi. Barcha raqiblariga hech bir imkon bermagan qizimizga finalda jahon chempionatlarining uch karra ishtirokchisi va sovrindori rossiyalik Alesya Kuznetsova qarama-qarshi keldi. Diyora katta tajribaga ega bu raqibini ham mag'lub etib, g'oliblikni tantana qildi va "Katta Dubulg'a" turnirlarining ikki karra g'olibasiga aylandi. O'z navbatida, yurtimiz dzyudochilari orasida birinchilardan bo'lib "Parij – 2024" yozgi Olimpiya o'yinlari uchun zarur reyting ochkolariga egalik qildi.

MVSMning yana bir vakili, "Tokio – 2020" yozgi Olimpiya o'yinlari sovrindori Davlat Bobonov (-90 kg) ham Ulan-Bator "Katta



Dubulg'a" turnirida muvaffaqiyatli qatnashdi. Bobonov dastlabki bahsda mo'g'ulistonlik Munxbayar Battogtoxi mag'lub etdi. So'ng u rossiyalik Mansur Lorsanovni, yarim finalda niderlandiyalik jahon chempioni Noyel van Endni mag'lubiyatga uchratdi. Yarim finaldagi g'alabadan so'ng Davlat gollandiyalik ashaddiy raqibi bilan o'zaro hisob-kitoblarini 2:3 ko'rinishida qisqartirib oldi. MVSM vakili finalda o'smirlar Olimpiyasi chempioni, rossiyalik Mixail Igolnikovga to'qnash keldi va kichik hisobda imkoniyatni boy berib, kumush medalga sazovor bo'ldi. Shu tariqa Bobonov jahon reytingi uchun 700, "Parij – 2024" Olimpiyasi yo'lida esa 350 ochkoni qo'lga kiritdi. Eslatib o'tamiz, Bobonov yil boshida Parijda o'tkazilgan "Katta Dubulg'a" turnirida bronza medalga sazovor bo'lgandi, Ulan-Bator u ushbu mavsum yirik musobaqalaridagi ikkinchi muvaffaqiyatiga erishdi.

MVSM vakili, ikki karra Olimpiya o'yinlari qatnashchisi Gulnoza Matniyazova (-70 kg) ham Mo'g'uliston turnirida sovrindorlar safidan joy oldi. Bronza medal uchun kechgan bellashuvda qozog'istonlik Zere Bekteskizidan ustun kelgan dzyudochimiz

"Katta Dubulg'a" turnirlaridagi medallari sonini uchtaga yetkazib oldi. Aslida Gulnoza bu vazn toifasida bronza medal uchun kurashda boshqa bir sportchimiz Shohista Nazarovga duch kelishi mumkin edi. Ammo Shohista 3-o'rin uchun kurashish imkoniyatini vujudga keltiruvchi bellashuvda aynan qozog'istonlik sportchi qizga imkoniyatni boy berib qo'ygandi. Shohistani dog'da qoldirgan Zere Bekteskizini Gulnoza Matniyazova 3-o'rin uchun kurashda mag'lub etdi.

Ulan-Bator "Katta Dubulg'a" turnirida yurtimiz dzyudo muxlislari uchun yana bir o'ta qiziqarli holat yuz berdi. -73 kg vazn toifasida bronza medal uchun bahsda muxlislari "o'zbekcha derbi"ga guvoh bo'lishdi. Hamyurtlarimiz Obidxon No'monov va Shahram Ahadovning o'zaro to'qnashuvi ham o'ta qiziqarli kechdi. Qo'shimcha daqiqagacha cho'zilgan bellashuvda Ahadovning uch marta ogohlantirish olishi No'monovga bronza medalni taqdim qildi.

Shu tariqa dzyudochilarimiz Mo'g'uliston zaminida o'tgan nufuzli musobaqani bitta oltin, bitta kumush va 2 ta bronza medal bilan yakunlashdi va umumjamoa hisobida kuchli beshlikdan joy olishdi. Turnirda ishtirok etgan 13 nafar sportchimizdan 7 nafari "Parij – 2024" yozgi Olimpiya o'yinlari uchun zarur ilk reyting ochkolarini qo'lga kiritdi. Ta'kidlash joiz, "Katta Dubulg'a" turniri davomida ishtirokchi davlatlarning 30 tasidan 13 tasi medallarga ega chiqqan bo'lsa, shundan 6 ta mamlakat terma jamoalari oltin medalga musharraf bo'lishdi. Musobaqada 17 ta milliy terma jamoalar bironta ham medalni qo'lga kiritma olmadi.

Rasul JUMAYEV,
«Vatanparvar»



Marafon

Muallif suratga olgan

YURTIMIZ BO'YLAB "YANGI NAFAS"



Respublikamizdagi sakkizta shaharda bir vaqtda Yoshlar va Olimpiya kuni xalqaro sport bayramiga bag'ishlangan "Yangi nafas" sport yugurish musobaqasi bo'lib o'tdi.



"Bir Vatanda, bir vaqtda, bir masofaga, bir maqsadda – birga yuguramiz!" shiori ostida Toshkent, Chirchiq, Guliston, Farg'ona, Namangan, Jizzax, Samarqand va Shahrisabzda 25 mingdan ziyod yurtdoshimiz musobaqada ishtirok etdi. Maktab o'quvchilari va talabalar, jamoat arboblari va tadbirkorlar, sportchilar va havaskorlar sport bayramiga qo'shildilar. Ular bilan birgalikda Oksana Chusovitina, Shahram G'iyosov, Asal Saparbayeva, Ravshan Ermatov, Dilshod Sobirov, Ruslan Nuriddinov, Akbar Jo'rayev kabi mashhur sportchilar ham yugurish musobaqasida qatnashdi.

Xalqaro Olimpiya qo'mitasi prezidenti Tomas Bax tadbir ochilishida musobaqa ishtirokchilariga tabrik yolladi. O'zining video murojaatida u barchani, bugungi kunda 205 ta mamlakatni birlashtirib turuvchi Xalqaro Olimpiya kuni bilan tabriklab, yosh avlodni sportni hayotlarining ajralmas qismiga aylantirishlariga da'vat qildi.

Toshkentdagi Humo Arena maydonining hududida ishtirokchi shaharlarning har biridan onlayn-translyatsiya amalga oshirildi. Sport trassasining puxta tayyorlanishi, imkoniyati cheklangan ishtirokchilarning xavfsiz va qulay sharoitlarda harakat qilishlarini ta'minladi.

Sovrinli o'rinlardan tashqari, tashkilotchilar tomonidan "G'alabaga iroda uchun", "Eng yosh ishtirokchi", "Eng yoshi katta ishtirokchi" kabi nominatsiyalar tashkil qilindi. Toshkent va hududlardagi barcha g'oliblarga qimmatbaho va esdalik sovg'alari topshirildi. Tantanali taqdirlash marosimida mudofaa vazirining o'rinbosari polkovnik Hamdam Qarshiyev ishtirok etdi.

Musobaqada Qurolli Kuchlar akademiyasi kursanti Javohir Xoliqberdiyev 2-o'ringa sazovor bo'ldi. "Yangi nafas" sport bayrami raqslar fleshmobi va estrada yulduzlari ishtirokidagi konsert dasturi bilan yakunlandi.

Kapitan Aziz NORQULOV,
«Vatanparvar»



НОВЫЕ ВОЕННЫЕ РАЗРАБОТКИ

1. Специалисты израильской компании «СпиритУэйВи» (*SpearUAV*) успешно продемонстрировали запускаемую с руки тактическую капсулированную беспилотную авиационную микросистему (*микро-БАС*) «Нинокс-40». На демонстрации возможностей нового аппарата присутствовали специалисты сухопутных войск, военно-морских сил, а также командования сил специальных операций, департамента внутренней безопасности и министерства юстиции. Специально разработанная для применения одним оператором «Нинокс-40» включает капсулированный беспилотный летательный аппарат (БПЛА) и блок управления. Имея массу 250 граммов, система является достаточно легкой для переноски в индивидуальном бронежилете бойца в ходе боевых действий. Продолжительность полета БПЛА составляет 40 минут, он оснащен оптико-электронными датчиками с дневным и ночным каналами, а также оборудованием автоматического слежения.

* * *

2. В США началась сборка первого летного образца перспективного скоростного вертолета Белл 360 «Инвиктус», первый полет которого запланирован на текущий год. Новый вертолет оснащен 20-мм пушкой, а также ракетами класса «воздух-поверхность», часть из которых размещается во внутренних отсеках. Кроме того, машина может нести бомбы или контейнеры с различным вооружением или оборудованием. Максимальная скорость вертолета 333 км/ч. Его можно перевозить транспортными самолетами С-17 «Глоубмастер-3».


* * *

3. Французская компания «Наваль групп» продемонстрировала концептуальный образец перспективной многоцелевой подводной лодки (ПЛ) SMX31E (является развитием проекта SMX31, представленного в 2018-м году). ПЛ имеет инновационную структуру корпуса, повышающую гидродинамические показатели, в частности отсутствие рубки. Лодка будет иметь длину 77 м, ширину около 10 м, подводное водоизмещение 3 200 т. Проект предусматривает высокую степень автоматизации всех процессов, что позволит сократить штатный экипаж до 15 человек. Главную энергетическую установку предполагается выполнить полностью электрической, основу которой составят аккумуляторные батареи большой емкости. По расчетам разработчиков, при экономической скорости 5 узлов подлодка сможет выполнять задачи в течение 60 суток и оставаться под водой в течение всего похода. Отсутствует также необходимость всплытия на поверхность или на перископную глубину для забора воздуха. Вооружение корабля составят торпедные аппараты для стрельбы тяжелыми торпедами и управляемыми ракетами (боекомплект 24 единицы оружия).

* * *

4. Министерство обороны Израиля и компания «Поларис сольюшнс» представили новую комбинированную маскировочную сеть «Кит-300». По описанию разработчиков, она является легкой компактной сетью, которая «подходит для многоцелевого применения в боевых условиях и повышает оперативные возможности». «Кит-300» изготовлена из снижающего тепловизионную заметность материала, который сочетает в себе микроволокно, металлы и полимеры, чтобы обеспечить малозаметность бойца для разных тепловизионных камер.

Сеть окрашена с одной стороны в соответствии с рельефом местности и тепловыми условиями северного Израиля



5. Управление оборонных закупок министерства обороны Республики Корея приступило к реализации программы разработки и строительства первого национального легкого авианосца CVX. Перспективный корабль будет иметь водоизмещение около 30 000 тонн, в состав его авиакрыла войдут до 16 тактических истребителей пятого поколения F-35B (с коротким взлетом и вертикальной посадкой), а также вертолеты. Согласно плану постройка авианосца начнется в этом году, а на вооружение ВМС страны он сможет поступить в 2033-м. Программа CVX оценивается в 2,3 трлн вон (около 2 млрд долларов США). Кроме того, на палубную авиацию планируется потратить еще порядка 3 трлн вон. Эта сумма будет включать закупку 20 самолетов и 8 вертолетов.

* * *

6. Компания «Аль-Джасур» из Объединенных Арабских Эмиратов (совместное предприятие турецкой «Отокар» и эмиратской «Эйдж») представила в Абу-Даби на 15-й международной выставке вооружений новый вариант боевой бронированной машины (ББМ) «Рабдан» с колесной формулой 6 x 6. Машина имеет боевую массу 22 тонны и может перевозить 10 пехотинцев. Ее конструкция основана на базе ББМ «Арма» (8 x 8), разработанной специалистами компании «Отокар». Последняя заявила, что первые 100 машин «Рабдан» будут выпущены в Турции, а затем производство будет перенесено в ОАЭ.

* * *

7. Норвежская компания «Конгсберг мэритайм» дополнила ряд своих модульных обитаемых подводных аппаратов (НПА) типа «Хугин», создав новый НПА «Хугин Индьюренс». Его тактико-технические характеристики: длина 10 метров, диаметр 1,2 метра, масса 6 тонн, длительность плавания 15 суток, дальность плавания 2 200 километров. Согласно заявлениям руководства компании, «Хугин Индьюренс» способен выполнять широкий спектр военных задач, включая подводную разведку, обнаружение, классификацию и идентификацию различных мин, а также патрулирование в целях пассивной противолодочной обороны.

* * *

8. Украинская компания АВК «Скаетон» разработала модернизированную версию разведывательного БПЛА ACS-3 с японским двигателем, более совершенным программным обеспечением и возможностью установки дополнительной полезной нагрузки. Высота полета аппарата 4 500 метров, продолжительность более 24 часов, крейсерская скорость 120 км/ч, дальность действия канала радиуправления 240 км.

Fikr

КОНСТИТУЦИЯ — ИНСОН ҚАДРИ КАФОЛАТИ



Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳадаги ислохотлар халқчил ва демократик тамойилларга асосланган янги Ўзбекистон давлатини, эркин фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилгандир.

2022 йилнинг «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» деб эълон қилиниши ҳам юртимизда инсон қадри, унинг манфаати ҳамisha юқори ўринда туриши керак деган халқпарвар ғоянинг узвий давом этишида алоҳида аҳамият касб этди. Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида 7 та устувор йўналиш бўйича «Инсон қадри учун – 100 та мақсад» белгилаб олинганлиги ҳам бежиз эмас. Зеро, инсон қадрининг улуғланиши, ҳар кимнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларининг таъминланиши халқчил демократик давлатнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда, инсон қадри – ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечириши, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланишидир.

Инсон қадри ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилманинг ташкил этилиши, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳитнинг барпо этилишида намоён бўлади.

Сўнги йилларда республика- мизда илк бор фаолияти йўлга қўйилган янги тизим – Халқ қабулхоналари ҳамда Президентнинг

виртуал қабулхонаси том маънода халқ овозини, жамоатчилик фикрини акс эттирадиган, унинг манфаатларини кўзлайдиган тузилмага айланиб бормоқда.

«Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак», деган даъват республикадаги барча ташкилот ва муассасаларнинг кундалик фаолиятига айланмоқда.

Ижтимоий сиёсат мамлакатимизда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Бугунги кунда халқ фаровонлигини, одамларнинг ҳаёт даражасини ҳар томонлама ошириш, бунинг учун янги иш ўринлари, даромад манбаларини яратиш, камбағалликни қисқартириш, қишлоқ ва шаҳарларимизни обод қилиш иқтисодий стратегиямизнинг энг муҳим йўналишлари ҳисобланади. Юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики, юртимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар марказида инсон омили биринчи ўринга қўйилмоқда.

Биз барпо этаётган эркин фуқаролик жамиятида амалга оширилаётган барча ислохотларнинг ташаббускори фуқароларимиздир. Халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган «Янги

Ўзбекистон – халқчил ва инсонпарвар давлат» ғояси, шунингдек, фуқаролик жамиятининг асосий шarti бўлмиш инсон кадр-қимматини таъминланиши албатта, қонуний асосда мустаҳкамланиши лозим. Шу боис амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларимизни янги поғонага кўтариш мақсадида барча фуқаролар Асосий қонунимизни такомиллаштириш борасида ўзларининг таклифларини бермоқдалар.

Илгари амал қилиб келган «давлат – жамият – инсон» тамойилини «инсон – жамият – давлат» деб ўзгартириш, уни миллий қонунчилигимиз ва ҳуқуқий амалиёти- мизда мустаҳкамлаш, шунингдек, «Инсон қадри учун» деган устувор тамойилни тўла рўйбга чиқариш мақсадида республика- мизда Конституциявий комиссия тузилди.

«Жамият – ислохотлар ташаббускори» деган ғоя асосида ўз фаолиятини олиб бораётган Конституциявий комиссия кенг жамоатчилик вакиллари ва фуқароларимиз томонидан билдирилган барча таклифларни синчковлик билан ўрганиб, таҳлил қилмоқдалар. Бугунги кунда Ўзбекистонда Конституциявий комиссия фаолияти янгиликлари ва фуқаролардан таклиф қабул қилиш платформаси – meningkonstitutsiyam.uz порталига 22 000 дан зиёд таклиф келиб тушган.

Республика- мизда амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилишига ишонч билдира- миз.

Нодира РАСУЛОВА,
Жамоат хавфсизлиги
университети доценти,
тарих фанлари номзоди

30-iyun – Yoshlar kuni

НАВҚИРОНЛИК

Ёшлар ойлиги ва 30 июнь – Ёшлар куни тадбирлари Мудофаа вазирлиги қўшинларида кўтаринки руҳда ўтказилмоқда.



Мудофаа вазирлигининг Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмларининг бирида ҳамкорликдаги давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, таниқли актёр ва санъат усталари иштирокида «Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!» шиори остида байрам тадбири ўтказилди.

ШУКУҲИ

Тадбир аввалида, қўмондонлик ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти томонидан 2022 йил биринчи ярим йиллиги давомида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилган ҳисоботи видеоролик шаклида намойиш этилиб, истиқболдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Қўшинлар қўмондони полковник Журъат Якубов ёшларга тегишли тавсия ва таклифлар бериб, байрам муносабати билан барчани самимий муборакбод этди. Тадбирда сўз олганлар қўмондонлик ва унга бўйсунувчи ҳарбий қисмларда яратилган шарт-шароит, имтиёз ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб Ватанга садоқат билан хизмат қилиш бахтини тилаган ҳолда барчани байрам билан қутлашди.



Фаол ёшлар орасидан 30 нафарига дастлабки кичик сержант ҳарбий унвони берилган бўлса, 100 нафарга яқин ёшлар турли хилдаги мукофотлар билан рағбатлантирилди. «Ёш китобхон оила» танловининг Республика босқичи совриндорлари катта лейтенант Бунёдjon Қаршиев ва лейтенант Рустамjon Ғофуров пул мукофоти, статуэтка ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Шу куни «Навқирон» гуруҳи ва эстрада- миз хонандалари томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар иштирокчиларга байрамона кайфият улашди.

Майор Фаррухбек СОТВОЛДИЕВ

Harbiy-vatanparvarlik

«ВАТАНПАРВАР – МЕНИНГ ТАНЛОВИМ!»

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Бухоро вилояти кенгаши тасарруфидаги Ромитан ўқув спорт-техника клуби томонидан Муғонча маҳалласидаги «Оромитан» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Ватанпарвар – менинг танловим!» шиори остида ҳарбий-вatanparvarlik ва спорт мусобақалари ўтказилди.



Унда туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди. «Оромитан» болалар соғломлаштириш оромгоҳида 170 нафардан ортиқ болажонлар ёзги таътилни мароқли ўтказмоқда.

Тадбир доирасида болажонларга Ватан туйғуси ва вatanparvarlikни шакллантириш мақсадида «Ўзбекистон – Ватаним менинг!» ҳамда «Ватанпарвар» ташкилоти фаолияти тўғрисида давра суҳбати ташкил

этилди. Унда тажрибали мураббийлар ташкилотнинг секция ва тўғарақлари фаолияти ҳақида батафсил маълумот берди. «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан спортнинг техник ва амалий турлари бўйича кўرғазма ташкил этилгани йигит-қизларда катта таасурот қолдирди.

Шунингдек, техник ва амалий спорт турларини ривожлантириш ва оммалаштириш мақсадида пневматик қуролдан ўқ отиш, ёзги биатлон, шахмат ва шашка бўйича мусобақалар ҳамда «Йўл ҳаракати қоидалари ёш билимдони» викторинаси ўтказилди. Тадбир якунида мусобақа

ғолибларига ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди.

«Ватанпарвар – менинг танловим!» шиори остида ўтказилган бундай тадбирлар ташкилотимиз томонидан ёш авлодни Ватанга садоқат, ҳарбий-вatanparvarlik руҳида тарбиялаш, спортнинг техник ва амалий спорт турларига жалб этиш ҳамда оммавий техник касбларга тайёрлашда салмоқли ҳисса қўшади.

ЖУРНАЛИСТ ВА БЛОГЕРЛАР БЕЛЛАШДИ

«Ватанпарвар» ташкилотининг Бухоро вилояти кенгаши томонидан ташкилот тасарруфидаги вилоят техник ва амалий спорт турлари марказида маҳаллий ОАВ вакиллари, журналист ва блогерлар иштирокида матбуот анжумани ўтказилди. Унда ташкилотнинг вилоят кенгаши раҳбарияти ташкилот фаолияти тўғрисида тайёрланган инфографика асосида ахборот берди.



Тадбир давомида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан пневматик қуролдан ўқ отиш мусобақаси ўтказилди. Қизғин ва муросасиз кечган беллашувда эркалар ўртасида 1-ўринни Бухоро вилояти телерадио-

компанияси ходимлари Аҳмад Ҳикматов, 2-ўринни Нодир Тўев эгаллади. 3-ўрин «Бухоронома» ва «Бухарский вестник» газеталари таҳририяти ходими Шерзод Рўзиевга насиб этди.

Аёллар ўртасида «Бухоронома» ва «Бухарский вестник» газеталари таҳририяти ходимларидан Салима Каримова 1-ўринни, Наргиза Очилова 3-ўринни қўлга киритди. Бухоро вилояти «Истиқлол» телерадиокомпанияси вакили Зилола Худойқуллова 2-ўринга сазовор бўлди. Тадбир якунида мусобақа ғолибларига «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Аҳмаджон ЖАЛИЛОВ, Камол ЖЎРАЕВ,

«Ватанпарвар» ташкилоти Бухоро вилояти кенгаши раисининг ўринбосарлари

Mudofaaga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotlarida

O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti Samarqand viloyati kengashi tasarrufidagi Bulung'ur tumani o'quv sport-texnika klubi jamoasi "Vatanparvar" gazetasi tashkil topganligining 30 yilligi hamda 27-iyun – Matbuot va ommaviy axborot vositalari xodimlari kuni munosabati bilan birlashgan tahririyat xodimlarini muborakbod etadi.



Hurmatli soha xodimlari va harbiy jurnalistlar, kasb bayramingiz qutlug' bo'lsin!
Ishingizga omad va ijodiy barkamollik tilaymiz.
Hamkorligimiz bardavom bo'lsin!

Fursatdan foydalanib, Bulung'ur tumani o'quv sport-texnika klubi jamoasi tumanda istiqomat qilayotgan barcha yoshlarni, harbiy xizmatchilarni "A", "B", "BC", "BE", "CE" hamda "D" toifali haydovchilik kurslariga, shuningdek, sportning texnik va amaliy turlaridan "Havo miltig'idan o'q otish", "Aviamodel" kabi seksiya va to'garaklarda shug'ullanishga taklif etadi.

Bulung'ur tumani "Navbahor" mahalla fuqarolar yig'ini "Vatanparvar" tashkiloti o'quv binosi.
99 449-33-14.

O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti Xorazm viloyati kengashi tasarrufidagi Shovot tumani o'quv sport-texnika klubi jamoasi "Vatanparvar" gazetasi tashkil etilganligiga 30 yil to'lishi munosabati bilan ijodiy jamoa hamda barcha mushtariylarni muborakbod etadi.

Shuningdek, 27-iyun – Matbuot va ommaviy axborot vositalari xodimlari kuni bilan soha xodimlarini yana bir bor samimiy tabriklaydi.

"Vatanparvar"ning bundan keyingi faoliyati rivoj topishini tilaymiz.

Biz "Vatanparvar"chilar gazetaning tobora ommaviylashib, rivojlangan mamlakatlardagi mashhur nashrlar qatoridan joy olishini istab qolamiz.



Shovot tumani o'quv sport-texnika klubi jamoasi tumandagi barcha xohlovchilarni avtomobil boshqarishning "B", "BC", "BE", "CE", "D" toifalariga hamda haydovchilar malakasini oshirish kurslariga o'qishga taklif etadi. Mashg'ulotlar malakali va boy tajribaga ega o'qituvchi va amaliy boshqarishni o'rgatuvchi ustalar tomonidan olib borilishi kafolatlanadi.

Shuningdek, sizni sportning texnik va amaliy turlaridan "Havo miltig'idan o'q otish", "Yozgi biatlon" hamda "Aviamodel" kabi seksiyalarda shug'ullanishga taklif etamiz.



Shovot tumani Usta Sodiq ko'chasi, 29-uy.
99 428-42-24.

HAYOTDA HAMMASI JUDA ODDIY

AYOLLAR BEKATI

Hayotimizdagi mavjud shart-sharoit bu faqatgina bizning ichki olamimizning aksidir.

Hayotimizdagi barcha qiyin va yoqimsiz narsalar bu – bizning ichki olamimiz ustida ishlashimiz kerak bo'lganlaridir: yangidan tuzish, birlashtirish, nazarni o'zgartirish, qo'yib yuborish yoki intilish...

Hayotimizdagi barcha yaxshi narsalar bular o'z ustimizda erishilgan katta va kichik yutuqlarimizdir.

O'zimizni bilganimiz sari, hayot qanchalik erkin va baxtliroq bo'lib borayotganini anglash qanchalar ajoyib!

(Psixolog maslahati)

Anglashlar

Sizning pullaringizni olib qo'yishyaptimi? Pullaringizni o'zingizga sarflamas ekansiz. Aniqrog'i, o'zingiz uchun o'z pullaringizni sarflashga ham loyiq ko'rmayapsiz.

Sizga xiyonat qilishyaptimi? O'ylab ko'ring, siz ham o'zingizga xiyonat qilyapsiz.

Sizdan mehr-muhabbat, shirin so'zlarini qizg'anishyaptimi? Demak, siz anchadan beri o'zingizni ruhlantirmaysiz.

Sizni oilangiz, yaqinlaringiz qo'llab-quvvatlashmayaptimi? Demak, siz ham o'zingizni qo'llab-quvvatlamayapsiz.

Shuni yodingizda tuting, bu dunyo, atrofdagilar – sizning aksingiz. Atrofdagilarning munosabati sizning o'zingizga bo'lgan munosabatingizdir.

Sizga va'da berib, bajarishmayaptimi? Demak, siz o'zingizga bergan va'dalaringizni bajarmagansiz, doimo orqaga suravergansiz.

Qora shokoladning foydalari

Shifokorlar kuniga bir necha gramm qora shokolad is'temol qilish inson salomatligini sezilarli darajada yaxshilashini isbotladilar. Aniqlanishicha, tarkibida kakao miqdori 70 foizdan kam bo'lmagan shokolad is'temol qilish inson immunitetiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Shuningdek, ta'lim olish va eslab qolish qobiliyatini yaxshilash uchun bir kunda bor yo'g'i 48 gramm shokolad yeyish kifoya ekan. Faqat hamma narsada me'yor bo'lishi kerakligini unutmang!

- Qora shokolad kayfiyatni yaxshilaydi, qondagi stress gormonlari darajasini pasaytiradi.
- Insult va yurak qon-tomir kasalliklari xavfini kamaytiradi.
- Miya faoliyatini yaxshilaydi.
- Qon ko'paytiradi va quvvatni oshiradi.

Sutli kokteyl



Kerakli masalliqalar: 600 ml sut, 600 g (plombir) muzqaymoq, muzli 100 g muzqaymoq, 5-6 dona qulupnay, bir choy qoshiq kofe.

Tayyorlanishi:

1-kokteyl. 200 g muzqaymoqqa 200 ml sut va 100 gr muzli muzqaymoq solib, blendrda yaxshilab aralastirib olamiz.

2-kokteyl. 200 g muzqaymoqqa 200 ml sut va 5-6 dona qulupnay solib, blendrda olamiz.

3-kokteyl. 200 g muzqaymoqqa 200 ml sut va 1 choy qoshiq kofeni suvga solamiz va buni ham blendrda aralastirib, bezab, dasturxonga tortamiz.

Yoqimli ishtaha!

Bilasizmi?

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида Ёшлар куни байрам сифатида нишонланиб келинади ва уларнинг ўз тарихи бор. Қуйида айрим давлатларда ушбу байрамнинг қандай нишонланиши борасида мухтасар фикр юритиб ўтамыз.

Хитой Халқ Республикасида 4 май – Ёшлар куни сифатида эълон қилинган. Ушбу байрам расмий дам олиш куни бўлиб, бу кун Хитойда 1949 йилдан бери расмий байрам сифатида нишонланиб келинмоқда.

Ёшлар куни – сиёсий тусга эга бўлган миллий байрам. Бу Хитой демократиясининг шаклланиш тарихидаги муҳим тарихий воқеа билан боғлиқ. 1919 йил 4 майда ёшларнинг оммавий намоишлари бош-

Халқаро ҳамжамият томонидан белгилаб берилган ўн бешта фаолият йўналиши бу – таълим, бандлик, очлик ва қашшоқлик, соғлиқ, атроф-муҳит, гиёҳвандлик, балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов, бўш вақтлар, қизлар ва ёш аёллар ҳамда ёшларнинг ҳаётда тўлақонли ва самарали иштирок этиши, жамият ва қарорлар қабул қилишда қатнашиши, шунингдек, глобаллашув, ахборот-коммуникация технологиялари, ОИВ / ОИТС, қуролли можаролар ва авлодлараро муаммоларни қамраб олади. Шунинг учун ҳам Ёшлар куни байрам сифатида нишонлаш ўрнига кўпроқ муаммоларни ҳал этишга бағишланган, десак хато бўлмайди.

Бошқа мамлакатларга эътиборимизни қаратадиган бўлсак, Покистонда 11 март, Парагвайда 21 сентябрда Ёшлик ва Баҳор куни нишонланади.

Сингапурда Ёшлар куни ҳар йили июль ойининг биринчи якшанбасида нишонланади. Эртаси куни эса мактаб таътили бошланади.

Жанубий Африка Республикасида – 16 июнь Жанубий Африкада оммавий байрам бўлиб, 1976 йил



ҚАНДАЙ НИШОНЛанади?

ланган, бу кейинчалик Хитойда миллий озодлик ҳаракатининг бошланишига тўртки бўлган.

Туркия Республикасида ҳар йили 19 май куни «Отатурк, Ёшлик ва спорт куни» нишонланади. Унда давлат миқёсидаги маросимлар ва спорт тадбирлари ўтказилади. Анъаналарга кўра, турк спортчилари Туркия байроғини Қора денгиз портидан мамлакатнинг пойтахти томон Туркиянинг Мустақиллик урушини (1919–1923) хотирлаш учун кўтариб келишади.

19 май куни бутун Туркияда турли спорт тадбирлари бўлиб ўтади. Кўпчилик бу кунни спортчиларнинг маҳаллий стадионларида чиқишларини томоша қилиш ёки оммавий марафонлар каби оммавий тадбирларда иштирок этиш учун ташриф буюрадлар. Университет талабалари одатда ушбу кунда ўқитувчилар ва ота-оналар учун махсус дастурлар тайёрлайдилар.

Бутун жаҳонда эса 1999 йилдан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Бош Ассамблеянинг 54/120 резолюцияси билан 12 август – Халқаро ёшлар куни сифатида эълон қилинган.

Ёшлар билан ишлаш марказида кўпинча ёшлар ташкилотлари ва БМТнинг ёшлар ривожланишидаги агентликлар тармоғи аъзолари иштирокида кун мавзуси танланади. Шунингдек, ушбу куннинг виртуал хотирасини ташкиллаштиради. Дастур дунё бўйлаб ёшларни ўз мамлакатидagi ёшларнинг аҳволи тўғрисида хабардор қилиш бўйича тадбирларни ташкил этишга ундайди.

1995 йилда Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган дастур дунё миқёсида ёшларнинг аҳволини яхшилаш учун миллий ҳаракатлар ва халқаро ёрдам учун сиёсий асос ва амалий кўрсатмаларни тақдим этади.

Совето кўзғолони деб номланувчи норозилик намоиши хотирасига Ёшлар куни сифатида эътироф этилган.

Венесуэлада Ёшлар куни 12 февралда нишонланади. Байрам Венесуэла мустақиллик уруши пайтида Ла Виктория жангида (1812) жанг қилган ва вафот этган 12 ёшдан ошган барча ўспиринларни хотирлаш учун белгиланган.

Ҳиндистонда Миллий ёшлар куни ҳар йили 12 январь куни Свами Вивекананда туғилган кунда нишонланади.

1984 йилда Ҳиндистон ҳукумати Свами Вивекананданинг (у Веданта, йога, ҳинд фалсафаларини Ғарбий дунёга таништирган асосий шахс) туғилган кунини 1985 йилдан бошлаб, ҳар йили Миллий ёшлар куни сифатида нишонлашга қарор қилган.

12 январь куни Миллий Ёшлар куни бутун Ҳиндистоннинг мактаб ва коллежларида намоишлар, нутқлар, тиловатлар, мусиқа, ёшлар анжуманлари, семинарлар, йога тақдимотлари, иншо ёзиш, маъруза, мусиқа, спорт ва бошқа дастурлар билан ўтказилади.

Ўзбекистонда Ёшлар куни байрами Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилган кун билан бевосита боғлиқ. 2017 йил 30 июнда бўлиб ўтган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилиб, мақсад ва вазифалари белгилаб олинган эди.

Мамлакатимиз Президенти 2018 йил 25 августда «Ўзбекистон Республикасида Ёшлар кунини белгилаш тўғрисидаги» қонунга имзо қўйди ва бу кун байрам сифатида кенг нишонланиб келмоқда.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

#ФАКТЛАР

Oyning ilk xaritasini Mirzo Ulug‘bekning shogirdi Alouddin Qushchi chizgan, hozir bu xarita Amerikadagi Oy tadqiqoti institutida chiqarilgan xaritalarning eng tepasiga osib qo‘yilgan.



1868-yil Toshkentdagi okrug harbiy shtabida O‘rta Osiyodagi birinchi bosmaxona tashkil etildi.



O‘zbeklardan chiqqan birinchi general-mayor Kitob (Qashqadaryo) shahri hokimi Jo‘rabek bo‘lgan, bu oliy unvon unga 1901-yil rus podshosi tomonidan berilgan.



1942-yil Andijonning Oyim qishlog‘ilik Qo‘chqor Turdiyev o‘zbeklardan birinchi bo‘lib Ikkinchi jahon urushidagi mardligi uchun Ittifoq Qahramoni bo‘ldi.

@Vatanparvargazetasi_bot
“Vatanparvar” birlashgan tahririyati bilan bog‘lanish uchun telegram bot



SHU SONNING
ELEKTRON SHAKLI

VATANPARVAR

MUASSIS

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MUDOFAA VAZIRLIGI

www.mudofaa.uz

Tahririyat kengashi:
polkovnik Hamdam Qarshiyev
polkovnik Otabelk Yuldashov
polkovnik Alisher Boboxonov
Maqsud Abilov

Tahririyatga kelgan qo‘lyozmalar taqriz qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi.
Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti – “Vatanparvar” birlashgan tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Bosh muharrir:
podpolkovnik Ahror Ochilov

ISSN 2010-5541

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Telefonlar:
kotibiyat: 71 260-36-50
buxgalteriya: 71 260-35-20
yuridik bo‘lim: 71 260-29-41
faks: 71 260-32-29

Navbatchi: katta leytenant Bobur Elmurodov
Sahifalovchi: Begali Eshonqulov
Musahhih: Sayyora Meliqo‘ziyeva

Buyurtma: G-0705
Hajmi: 6 bosma taboq
Bichimi: A3
Adadi: 29 382 nusxa
Bosishga topshirish vaqti: 14:00
Topshirildi: 14:30

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Gazeta juma kuni chiqadi.
Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqq boshlagan.

Nashr ko‘rsatkichi: 114.
Bahosi: kelishilgan narxda.

“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida chop etildi.
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzilimiz:
100164, Toshkent, Universitet ko‘chasi, 1-uy.